

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Мехри Норбошева

Мактабгача таълимда
психодиагностика



ТЕРМИЗ-2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Мактабгача таълимда психодиагностика

**Мактабгача таълим йўналиши бакалаврлар учун
ўқув қўлланма**

Ушбу ўқув қўлланма мактабгача таълим ҳамда педагогика ва психология таълим йўналишининг бакалавр талабалари учун болалар психологияси, психодиагностика , мактабгача педагогика , болани мактабга тайёрлаш методикаси каби фанлардан амалий машғулотларда кенг фойдаланиш учун мўлжалланган. Тавсия этилаётган методикалар , тестлар мактабгача ёшдаги болаларнинг умуметуклик даражасини аниқлаш учун диагностик восита сифатида қўлланилиши назарда тутилган. Талабалар курс ишлари, малакавий битирув ишлари, мустақил ишлар тайёрлашда , шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган психологлар иш фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланма ТерДУ мактабгача тарбия ва бошланғич таълим кафедрасининг 2013 йил 7 январдаги 10-йиғилишида муҳокама этилган ва нашр учун тавсия берилган.

Муаллиф тузувчи:

Психология фанлари номзоди,

доцент М.О.Норбошева

Такризчи: психол. фанлари номзоди, доц.в.б. Шарафутдинова Х.Ғ.

психология фанлари номзоди Мақсадова М.

МУАЛЛИФДАН

Бўлғуси тарбиячилар, педагоглар, психолог мутахассислар амалий психология соҳаларини чуқурроқ ўрганиши, малакали кадр сифатида замонавий ташхис методикаларини қўллашни амалга оширишлари бугуннинг долзарб вазифаларидир. Улар ўқиётган болалар психологияси, психодиагностика, мактабгача педагогика каби фанлардан ўзлаштираётган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш малакаларига ҳам эга бўлишлари лозим.

Ўқув қўлланмада талабаларни иш фаолиятида зарур бўладиган болани мактаб таълимига тайёрлигини ташхис қилиш, бола шахси билан индивидуал ишлашда зарур бўладиган маълумотларни олишга қаратилган шахс хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган методикалар, шунингдек боланинг шахслараро муносабатларни (гуруҳда, оилада) аниқлашга қаратилган методикалар келтирилган.

Ўйлаймизки, ушбу ўқув қўлланма талабаларга амалий фаолият кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилса, амалиётчи психологлар учун ўз фаолиятида психодиагностик тадбирларни амалга оширишда ёрдамчи бўлади. Шунингдек, ушбу қўлланмадан педагогика коллежлари ҳамда олий таълим ўқитувчилар ҳам амалий машғулотларини ташкил этишда фойдаланишлари мумкин.

Кириш

Психологик хизматнинг бола шахси равнақи, унинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш учун амалга оширилишига шак-шубҳа йўқ, албатта. Лекин, шу билан бирга, психологиянинг психологик ташхис каби соҳаси “болага зиён етказиши мумкинми?” деган савол туғилади. Ҳа, агар илмий натижаларни амалиётда қўллаш (психологик ташхис эса фундаментал илмнинг амалий қисми) етарлича тажрибага эга бўлмаган мутахассислар томонидан амалга оширилса, зиён етказиши мумкин.

Масалан, психологик ташхис методикалар ёрдамида олинган маълумотларга малакасиз фойдаланувчи томонидан мутлоқ маъно касб эттирилиши ўз-ўзидан боланинг келажагини белгилаб берувчи ташхиснинг қўйилишига олиб келади. Шу ўринда Л.С. Виготскийнинг «психодиагностикада ташхис қўйилиши мумкин эмас, психологик диагностика натижаси фақатгина текширилувчининг у ёки бу психик жарёнини хусусияти бўлиши мумкин» деган таъкидини эсга олиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, психодиагностикага нисбатан умуман эътиборсиз бўлиш каби ҳолатлар ҳам бор. Масалан, амалий психолог бола билан фақатгина оила ҳақида олинган маълумотларгагина таяниб хулоса чиқаришга шошилади.

Юқорида кўрсатилган ҳар икки ҳолат ҳам психологик ташхис методикаларидан фойдаланувчи шахснинг ушбу соҳада номутасадди ҳамда билими етарлича эмаслигидан далолат беради.

Психологик ташхис психология фани соҳаси бўлиб, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқловчи ҳамда ўлчовчи методларни ишлаб чиқади. Психологик ташхисдан мустақил соҳа сифатида фойдаланиш ўтган асрнинг 20-йилларида бошланган. Психологик ташхиснинг предмети ҳамда йўналтирилганлигига ҳар хил муаллифлар турлича ёндашганлар. Фундаментал характерга эга бўлган ишларда умумий психодиагностика психологик-педагогик қуролларнинг тузилиши ва психологик-педагогик хулосалар шаклланишининг методологик, назарий ҳамда услубий тамойиллари сифатида гавдаланади. Бу асосан назарияга оид вазифа бўлиб, тестологияни фан сифатида билишни ва, албатта, текширилувчининг руҳиятини ўрганишни тақозо қилади. Масалан, боланинг математик масалаларни еча олмаётганлиги ота-она ҳамда ўқитувчини хавотирга солади. Бундай қийинчиликлар нафақат маълум бир мавзунини билмаслик каби педагогик муаммоларга, балки кўпроқ психологик сабабларга эга бўлиши мумкин. Балки, болада ақлий фаолиятнинг ички режалаштириливи ёки бор маълумотдан керагини ажрата билиш қобилияти етарлича шаклланмагандир. Бу муаммони ҳал қилиш учун,

авваламбор, тестлар ёрдамида боланинг билим олишида юз бераётган қийинчиликлар сабабини аниқлаш жоиз. Бунинг учун психолог ёш даврлари ҳамда педагогик психология, тафаккур психологияси, тестологияни пухта билиши ва бу соҳада профессионал бўлиши керак. Амалий психолог бўлмоқ бу назарий билимларга эга бўлмоқ, тест ҳамда маслаҳат ўтказишни билмоқ демакдир. Айниқса, узлуксиз таълимнинг бош бўғини бўлган мактабгача таълим тизимида психодиагностикадан фойдаланишда эҳтиёткорлик ва ўта масъулиятлилик алоҳида талаб этилади. Мактабгача ёшдаги боланинг психик тараққиёти даражасини аниқлаш ва ўрганишда диагностик воситаларни танлаш ва саралашда психолог ўзи мукаммал биладиган, амалиётда қўлланилиб келаётган методикалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли ушбу қўлланмада айнан шундай методикаларни тавсия этмоқдамиз. Бўлғуси мутахассислар ва амалиётчи психологлар аввало ҳар бир методикани синчковлик билан ўрганишлари, олинган натижаларни пухта ишлов бериши ва хулосалашда шошма-шошарликка йўл қўймасликлари лозим. Шундагина мутахассис кўзлаган мақсадига хатосиз эриша олади. Ташхис методикаларини қўлланилиш доирасига кўра 3 бўлимга ажратишни жоиз топдик. Булар, 1- Боланинг билиш жараёнлари ташхисига қаратилган методикалар, 2- Боланинг шахслараро муносабатларини аниқлашга мўлжалланган методикалар, 3- Боланинг мактаб таълимига тайёргарлик даражасини ўрганишга йўналтирилган методикалардир.

1- бўлим. БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТАШХИСИ


“Белгиларни қўй” методикаси.

Мазкур методика 5 ёшдаги болалар диққатининг кўчиши ва тақсимланишини ташхис қилишда қўлланилиши мумкин.

Методика материали: геометрик шакллар кўрсатилган жадвал.

Методиканинг ўтказиш вақти: 2 дақиқа.

Методиканинг қўлланилиши: бола жадвал юқорисидаги геометрик шакллар – квадрат, учбурчак, айлана ва ромбнинг ичидаги белгиларни жадвалдаги барча квадрат, учбурчак, айлана ва ромблар ичига қўйиб чиқиши



ак.

Натижаларни қайта ишлаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$Дкт = \frac{0.5 Шм - 2.8. Хм}{120}$$

Дкт – диққат кўчувчанлиги ва тақсимланганлигининг кўрсаткичи;
Шм – 2 дақиқа ичида кўриб чиқилган ва ичига тегишли белги қўйилган геометрик шакллар миқдори;

Хм – топшириқни бажариш давомида йўл қўйилган хатолар миқдори.

Эслатма: тегишли белгиларнинг тегишли шакл ичига қўйилмагани ёки тегишли шакл ичига умуман белги қўйилмагани хато бўлиб ҳисобланади.

Натижаларни баҳолаш:

10 – балл – Дкт 1. 00 дан катта – жуда юқори.

8 – 9 балл – Дкт 0. 75 дан 1. 00 гача – юқори.

6 – 7 балл – Дкт 0. 50 дан 0. 75 гача – ўрта.

4 – 5 балл – Дкт 0. 25 дан 0. 50 гача – паст.

0 – 3 балл – Дкт 0. 00 дан 0. 25 гача – жуда паст.

“Белгиларни қўйиб чиқ” методикаси БИР ХИЛМИ

Методика бола диққатининг тақсимланиши ва ўзгарувчанлигини баҳолаш учун мўлжалланган. Топшириқни бажаришга киришишдан олдин болага жадвал кўрсатилади ва у билан қандай ишлаш тушунтирилади. Жадвал тасодифий ҳолатлар-даги бир неча геометрик шакллардан иборат. Юқорида ичида керакли белгилари бортўртта геометрик шакл берилган. Болага юқоридаги намунада кўрсатилгани-дек, квадратга-галочка (у), учбурчакка-чизикча (-), айланага-қўшув (+) ва ромбга-нуқта (•) белгисини қўйиши керак.

Бола бу вазифани икки дақиқа давомида бажаради. Агарда бола вазифани бел-гиланган вақтда бажара олмаса , психолог икки дақиқадан ўтиб кетганлигини бланкда қайд этади, бола эса вазифани бажаришда давом этади.

Охирида ҳамма вазифаларни бажариш учун кетган вақтни белгилаб қўйиш керак.

Бола томонидан вазифа бажариб бўлингандан сўнг, унга дам олиш учун (3-5 дақиқа) вақт беринг, сўнг боланинг ўзига вазифани тўғри бажарганлигини текшириб кўришини тавсия этиш мумкин. Болага бошқа рангдаги ручка ёки қалам-ни тавсия қилинг ва у бланкда ўзининг хатоларини белгилаб қўйсин.

Бола диққати тақсимланиши ва кўчишининг умумий кўрсаткичи қуйидаги фор-мула бўйича аниқланади:

$$^{(0,5/Y-2,8n)} 120$$

5 — диққатнинг тақсимланиши ва кўчиши кўрс а I кичи;

N — икки дақиқа ичида кўриб чиқилган ва кч ишли бош илар билан белгилаб қўйилган геометрик шакллар сони. n — вазифани бажариш вақтида йўл қўйил| ан ҳақшлр с опи. Гашлаб кетилган

ёки нотўғри қўйилган белгиларни, геоме.рик шлкпмлрпи тегишли белгилар билан белгиланмаганлари хато хи(обл.и мди.

Лмр бола ўзини мустақил текширишда ҳамма хатоларини топган бўлса, унда унинг диққатининг тақсимланиши ва кўчишининг шаклланмаганлигини, лекин умлрни ўзгарувчанлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Бундай ҳолатда вазифачи бажариш вақтини чегаралаган ҳолда диққатни кучайтиришни шакллантириш бўйича машқ қилиш зарур. Бу методиканинг имкониятлари яна шунда намоеён бўладики, ундан диққат жараёнини коррекция қилишда фойдаланиш мумсин. Фақат бунда болага вақтни чегараламаган ҳолатда вазифани бажариш тав■ ия этилади.

Натижалар баҳоси

- 10 балл — 5 кўрсаткичи 1,00 дан кўра кўп.
- 8-9 балл — 5 кўрсаткичи 0,75 дан то 1,00 атрофида
- 6-7 балл — 5 кўрсаткичи 0,50 дан то 0,75 атрофида

- 4-5 балл — 5 5 кўрсаткичи 0,25 дан то 0,50 интервалида жойлашган
- 0-3 балл — 5 5 кўрсаткичи 0,00 дан то 0,25 атрофида

Диққатнинг кўчиши ва тақсимланиш даражаси ҳақидаги хулосалар

- 10 балл — жуда юқори
- 8-9 балл — юқори
- 6-7 балл — ўртача
- 4-5 балл — паст
- 0-3 балл — жуда паст

«Пиктограмма» тести

Рағбатлантирувчи материал. Оқ қоғоз (стандарт А4 ҳажм), қалам, эслаб қолиш учун сўз ва иборалар тўплами. 5-10 ёшли болалар учун куйида 12 та сўзлар тўп-ламини ишлатиш мумкин:

Талабчап о^тиусгм КазаШк 0\7.\цаг\ \ туШт АИюу

Йўриқнома: «Мен ҳозир сенга сўзларни ўқиб бўсаман, сен бу сўзларни яхши-лаб эсингда олиб қолишинг ва машғулот охирида улар| м гакрорлаб беришинг зарур. Сўзлар кўп, ҳар бир сўзни хотирангда осон сақланиб қолиши учун мана шу вараққа эсингда қолган ниманидир расмини чизишиш мумкиин. Чиинда ҳарфлар эмас, фақат расмлар чизиш мумкин. Сўзлар жуда кўп, нарак бўлс а биг га, сен расмларни шундай жойлаштиргинки, ҳаммаси бир варлққл жойллпк ип. Р,к мларни алоҳида аж-ратиб кўрсатма,бу ерда расмларнинг сифаги >м,к, ()шки улар сўзларнинг маъноси-ни англатиб, сен учун сўзларни эслатиб турувчи лхши ердлмчи восита бўлсин».

Тест ўтказиш усули. Берилган сўз ва сўз (ирикм,шлри лста-секинлик билан кетма-кет овоз чиқариб ўқилади. Бола эса гўшарни /ю\ ланишлар орқали чизади. Ҳарбир расмучун 2-3 дақиқа ажратилади. Болл ҳлрфллрпи счмасдан,

фақат чизи-шини катталар диққат билан кузатадилар. Лмр (кша ҳаддап шшқари катта расм чизса, варақ битталигини ва унга ҳамма рлсmlарпи жойнлшшриш кераклигини эслатиб қўйиш зарур. Бу эслатмани бир млромба иккинчи ски учинчи сўзлардан кейин айтадилар. Агарда болалар биринчи чиилп р.кмим қўшимча деталлар чизишга берилиб кетсалар, уларга расмпиш (иф.пи)м,к , бллки унинг айтилган сўзлар билан боғлиқлигини чизиш зарурли) ини н плшш ксрнк. Иккинчи сўз ўқиб берилгандан сўнг болага расмлар сўзлрпи)(плш учун срдмчи восита эканли-гини айтиш зарур.

Иш жараёни яқунлангач, қайси рлсм қлй(и (ўпл кчипши жанлигини катта-лар алоҳида рақамлаб чиқишлари злрур. Л| ар (><шл (,н шпп 1и (и)к а, унда боланинг ўзига бу жараёни бажаришни таклиф иишмумкип 1<ч I жлрлсии ўтказилгач, бо-лаларга ўзларининг варақларини тарқ<ии(), уплрдлп к,п кшлр уки| ан сўзларни эс-лашлари сўралади.Тўғри ва хато линил!,)п (ўшлр (,111,1(1, (чи()) юрилади. Агар бо-ла «хайрлашув» сўзининг ўрни(а «айрилиқ» ски «мл шпи мом» (ў* бирикмаси ўр-нига «ширин таом» деб айтса, бу хан> хи(пОплнмлиди

Узоқ муддатли хотиранинг хусус иишлрини урмпшш учуп <о д,)қиқадан сўнг болага қайтадан у чизган расм кўрслшплди нл > у шлрпи лйшш (ў|)>шади.

Натижалар таҳлили. Тўғри айшб ўшшлн (у шлрпиш (опи лссоциатив ёки ихтиёрий хотира ҳажмини кўрсатади. У Ёсшх им хошрл ҳлжмим қлраганда юқо-

I (н ())ўлиши зарур. Бу ёшдаги болалар учун белгиланган меъёр 10-12 та сўз (яъни лмллий юз фоизли талаффуз) бўлиб, бола ҳар бир сўз учун расм чиза олиши зарур. 1,1п шундаки, кўпинча тестни бажариш жараёнида болаларда учрайдиган қийин-чипиклар, боланинг сўзларга мос расм чизишдан бош тортишлари ҳисобга оли-н,|ди. Мактабгача ёшдаги болалар учун шамол, алдов, ўқиш каби сўзлар ўртасида-I и боғланишларни топишда қийинчиликларнинг кузатилиши характерли ҳисоб-нлиади. Бу ҳолатларда психолог болани қўллаб-қувватлаб, унга ёрдам бериши за-рур. Масалан, бола

шамол дарахт шохларини эгиб юборганини тасвирлаши мум-кин. Шунда болада вазифани нотўғри бажарилаётганлик кўркуви йўқолиб, ўзига пшонч пайдо бўлади ва унда бу вазифани бажара олиш ва буни уддасидан чиқиш м(пивацияси ошиб боради.

Бу тестни бажаришда вақтинчалик кўрсаткични қайд қилиш керак эмас, шунга кура, боланинг вазифани бажариш вақти ассоциатив хотиранинг муҳим хусусият кўрсаткичи ҳисобланмайди.

Қоғоздаги расмларни жойлашуви таҳлили боланинг ўз фаолиятини тўғри ре- жллаштириш қобилиятига эга эканлигини кўрсатади. 6 ёшли болаларни мактабга шйёргарлигини ташхис қилишда бу асосий жиҳатлардан бири эканлигини эъти-порга олиш зарур.

Берилган сўзларнинг расмдаги кетма-кет жойлашуви жуда мос ҳисобланади, шунингучун катталар пиктограмманингохирига рақамлар қўйишлари шарт эмас. Шунда тасвирлар бир-биридан алоҳида ажратилади ва варақнинг бир тарафида жойлашади. Паст даражада ташкил этилган расмлар қоғозда жуда катта ёки жуда кичик ҳажмда тартибсиз чизиб ташланган бўлиши мумкин.

“10 та сўз “ тести

Рағбатлантирувчи материал. Бир қаторга жойлаштирилган, бир-бири билан (,, ипикбўлмаган Юта сўз. 4,5-6 ёшли болалар учун у қуйидагича бўлиши мумкин:

¹ >агпо1уо<: К(ЁОЪ	0зу\ц	Во'п СНоупак
Си1	/ута\	Ма5п1па Кара1ак 5Ъат

Йўриқнома. «Мен ҳозир 10 та сўз айтаман, сен уларни эсда сақлаб қолишинг к('рак ва машқ охирида уларни такрорлайсан. 30 дақиқадан сўнг уларни яна қайта лй(иб берасан. Шунингучун мени диққат билан эшитиб, барча сўзларни эсда қолдиришга ҳаракат қил».

Тест ўтказиш. Йўриқнома берилгандан сўнг катта одам оҳиста (2-3 сония оралиғи билан) ва аниқ қилиб юқорида келтирилган 10 та сўзни айтади. Тугатилгандан сўнг, у боладан шу сўзларни такрорлашини сўрайди ва бола эслаб қолган сўзларни ёзиб боради. Агар бола фақатгина 2-3 сўзни эслаб қолган бўлса, 10 та (сўзларни энди 1 сония оралиғи билан яна қайта ўқиб бериш мумкин. Психолог бошладан бир мартада эслаб қолган сўзларни ва иккинчи марта тез ўқилганда эслаб қолган сўзларни такрорлашни илтимос қилади. Тахминан 30 дақиқа ўтгандан сўнг (юладан шу сўзларни катталар ёрдамисиз эслаш сўралади. Психолог тўғри эслаб қолган сўзларни ёзиб олади.

Натижалар таҳлили. Биринчи уринишдаёқтўғри эсга туширилган сўзлар миқдори хотира ҳажмини белгилайди. Иккинчи мартада ўқиб берилгандан кейин қай-қанда эсга туширилган сўзлар миқдори мнемик жараёнларнинг ривожланиш даражасини кўрсатади. 5-6 ёшдаги болалар учун биринчи ўқишдан кейин 4-5 та сўз ва ҳаммасини икки-уч такрорлашдан кейин эсга тушириши меъёр ҳисобланади. Агар бола биринчи ва кейинги эслатишлардан кейин ҳам 2-3 та сўзни қайтарса ёки 5-7 марта такрорлагандан сўнг ҳам бир қатор сўзларни эслаб қола олмаса, бу хотиранинг паст даражада эканлигини кўрсатади. Таълим жараёнида бу болада қийинчиликлар бўлиши мумкинлигини тахмин қилса бўлади. Лекин, кейинги таҳлил-ларсиз мнемик жараён деформациясининг сабаблари ҳақида гапириб бўлмайди.

Идрок ва тафаккурнинг ривожланиш даражасини аниқлаш.

Ушбу методика мактабгача ёшдаги болаларнинг идрок ва тафаккурининг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун мўлжалланган, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва психологлари томонидан ўтказилади.

Материаллар: 3 та қутича, биринчи қутичанинг ён томонида квадрат, иккинчи қутичанинг ён томонида доира, учинчи қутичанинг ён томонида учбурчак шакллари акс эттирилган бўлиб, 8 та квадрат, 8 та доира, 8 та учбурчак шаклдаги 24 та предметлардан иборат. Ҳар бир шакллар катта ва кичик ҳажмдаги предметларга бўлинади (4 та кичик ва 4 та катта).

квадрат шаклдаги предметларга-кубик, гугурт қутиси, совун, китоб ва бошқ;

доира-танга, тугмача, шар, копток.

учбурчак-конус, калит, арча, ракета.

Методиканинг ўтказилиши: Боланинг олдида қутичалар қўйилиб ҳар бир предмет биттадан болага кўрсатилади ва қандай шаклга ўхшашлиги сўралади. Бола жавоб бергандан сўнг предмет мос келадиган қутичага солиниши сўралади. Сўнгга кейинги предмет кўрсатилади ва саволлар қайтарилади. Шу тариқа ҳамма 24 та предмет болага бирин кетин кўрсатилади ва шаклларга мос равишда қутичаларга жойлаштирилади.

Натижаларни баҳолаш: ҳар бир тўғри топилган предмет учун 1 балл берилади. Максимал балл 24 балл.

Эслатма: методика ҳар бир бола билан алоҳида ўтказилиб, 15-20 минутдан ошмаслиги керак.

“Бу ерда нима ортиқча?” методикаси

Ушбу методика 4-5 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган. Бу методика болаларнинг образли, сўз-мантлиқли тафаккур процессининг анализи, ақлий ва умумлаштириш операцияларини тадқиқ қилади. Методикада болаларга ҳар хил предметлар тасвирланган расмлар тавсия қилинади ва қуйидагича кўрсатма берилади: «Ҳар бир расмда тасвирланган 4 та предметдан бири ортиқча. Диққат билан расмга қараб, қайси бир предмет ортиқча ва нима учун ортиқча эканлигини тушунтириб бер».

Топшириқни бажариш учун 3 дақиқа вақт берилади.

Натижаларни баҳолаш.

10-балл- бола ўзига берилган топшириқни 1 дақиқадан кам вақтда бажариб, ҳар бир расмдаги ортиқча предметни нима учун ортиқча эканлигини шарҳлаб бера олса;


8-9 балл- бола топшириқни 1 дақиқадан 1,5 дақиқача тўғри бажара олса;

6-7 балл- бола топшириқни 1,5 дақиқадан 2 дақиқача тўғри бажара олса;

4-5 балл- бола топшириқни 2 дақиқадан 2,5 дақиқача тўғри бажара олса;

2-3 балл- бола топшириқни 2,5 дақиқадан 3 дақиқача тўғри бажара олса;

0-1 балл- бола 3 дақиқа мобайнида топшириқни тўғри бажара олмаса.



Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса:

10 балл -жуда юқори

8 -9 балл -юқори

4 -7 балл -ўртача

2 -3 балл -паст

0—1 балл -жуда паст

«Гуруҳларга бўлиб кўрчи» методикаси.

Ушбу методика 4-5 ёшли болаларнинг образли- мантикли тафаккурини баҳолаш учун мўлжалланган. Болага расмдаги тасвирлар кўрсатилиб, қуйидагича топшириқ берилади:

«Диққат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқ ва уларни иложи борида кўп гуруҳларга бўлиб чиқ. Ҳар бир гуруҳга, умумий белгиси бир хил бўлган фигураларни кирит ва ҳар бир фигуранинг номини айт ҳамда қандай белгилар асосида бўлиб чиққанингни тушунтириб бер». Топшириқни бажаришга 3 дақиқа вақт берилади.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл-бола ҳамма фигураларни 2 дақиқадан кам вақтда гуруҳларга ажратса. Бу фигуралар гуруҳи қуйидагича: учбурчак айланалар, квадратлар, ромблар, қизил фигуралар, (расмда улар қора рангда берилган), кўк фигуралар (улар тўғри чизик билан штрих қилинган), сариқ фигуралар (улар катаклар билан белгиланган), катта фигуралар, кичик фигуралар;


8- 9 балл- бола ҳамма фигураларни 2,0 дақиқадан 2,5 дақиқагача вақтда гуруҳларга ажратса;

6-7 балл- бола ҳамма фигураларни 2,5 дақиқадан 3,0 дақиқагача вақтда гуруҳларга ажратса;

4-5 балл- 3 дақиқа мобайнида бола 5 дан 7 гача фигураларни гуруҳларга ажратса;

2-3 балл- 3 дақиқа мобайнида бола 2 дан 3 тагача фигураларни гуруҳларга ажратса;

0-1 балл- 3 дақиқа мобайнида бола 1та гуруҳдан ортиқ гуруҳга ажрата олмаса.



Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса:

10 - балл - жуда юқори

8 - 9 балл - юқори

4 - 7 балл - ўртача

2 - 3 балл - паст

0 - 1 балл - жуда паст

«Йил фасллари» методикаси .

Ушбу методика 3-4 ёш болалар учун мўлжалланган. Болага расм кўрсатилади ва ушбу расмларга диққат билан қараб, расмнинг ҳар бир қисмида йилнинг қайси фасллари тасвирланганлиги ҳақида сўралади. Топшириқни бажариш учун 2 дақиқа вақт берилади. Ушбу берилган вақт мобайнида бола нафақат йил фаслларини айтиб бериши, балки фаслларнинг белгиларини кўрсатиб бера олиши ва ушбу қисм айнан мана шу фаслга тегишли эканлигини асослаб бериши керак.



Натижаларни баҳолаш.

10 балл- берилган вақт мобайнида бола расмдаги йил фаслларини бир бири билан боғлиқ ҳолда тўғри айтиб бера олса ва ҳар бир йил фаслининг иккитадан белгисини кўрсатиб бера олса (жами ҳар бир йил фаслининг 8 та белгисини кўрсатиб)

8-9 балл- бола расмдаги ҳар бир йил фаслларини бир-бирига боғлиқ ҳолда тўғри айтиб берса ва йил фаслларининг умумий олганда 5-7 тагача белгисини тўғри кўрсатиб бера олса:

6-7 балл- бола йил фаслларини тўғри аниқлаб, аммо ўз фикрини тасдиқловчи жами 3- 4 та фасллар белгисини кўрсата олса;

4-5 балл- бола йил фаслларининг фақат 2 тасини аниқлаб бера олса ва ўз фикрини тасдиқловчи жами 1-2 тагача йил фасллари белгисини кўрсатиб берса;

0-3 балл- бола йил фаслларининг бирортасини ҳам тўғри аниқлай олмаса ва бирорта ҳам фасл белгисини кўрсатиб бера олмаса (ушбу баллар боланинг йил фаслларини топишга ҳаракат қилганлигига боғлиқ ҳолда қўйилади).

Таракқиёт даражасига ҳулоса чиқариш.

10 балл -жуда юқори

8 -9 балл -юқори


6 -7 балл -ўртача

4 -5 балл -паст

0 -3 балл -жуда паст

«Контурларни бирлаштириш» методикаси.

Болаларга расмлар кўрсатилади ва ушбу методикадаги топшириқнинг мақсади тушунтириб берилади, яъни қалам ёки ручка ёрдамида имкони борича тез ва аниқ чап томондаги контурларни ўнг томонда берилган катакларга кўчириб чиқиш зарур. Бунда болани чизикларни тўғри чизганлигига ва фигураларнинг бурчакларини аниқ бирлаштира олишига эътибор қаратиш зарурдир. Топшириқ бажариб бўлингандан сўнг вазифанинг тоза, аниқ ва тезлиги баҳоланади.



Натижаларни баҳолаш.

Топширикни бажариш тезлиги ва сифатига қараб балларда баҳоланади.

10 балл—бола ҳамма топширикни бажаришга 90 сониядан кам факт сарфлаб, фигураларнинг бурчакларини тўғри ва аниқ бирлаштира олса ҳамда чизиклар берилган контурларга аниқ мос келса;

8-9 балл- топширикни бажаришга 90 сониядан 109 сониягача вақт сарфланса, аммо қуйидаги камчиликларнинг бирортаси мавжуд бўлса: бир ёки иккита чизикнинг тўғри эмаслиги; икки ёки учта чизиклар фигура бурчаклари нотўғри бирлаштирилган бўлса; иккитадан тўрттагача чизиклар контурдан ташқарига чиқиб кетган бўлса; тўрттадан бештагача фигура бурчакларини бирлаштиришда ноаниқликка йўл қўйилган бўлса;

6-7 балл-ҳамма топширикни бажаришга 105 дан 120 сониягача вақт сарфланса, аммо қуйидаги камчиликларнинг бирортаси мавжуд бўлса: уч ёки тўртта чизикнинг эгрилиги: тўрттадан олтигача фигура бурчакларини нотўғри бирлаштирилганлиги; бештадан олтигача чизиклар контурдан ташқарига чиқиб кетганлиги; олтитадан еттигача фигура бурчакларини бирлаштиришдаги ноаниқлик бўлса;

4-5 балл-топширикни бажаришга 120 дан 135 сониягача вақт сарфланса, аммо қуйидаги камчиликларнинг бирортаси мавжуд бўлса; беш ёки олти чизикнинг эгрилиги; еттидан ўнtagача бурчакларни нотўғри бирлаштирилганлиги; етти ёки саккизта чизикнинг контурдан чиқиб кетганлиги; саккизтадан ўнtagача бурчакларнинг ноаниқ бирлаштирилганлиги;

2- 3 балл- топширикни бажаришга 135 дан 150 сониягача вақт сарфланса. Қуйидаги камчиликлардан бирортаси мавжуд бўлса: 7 тадан 10 tagача чизикнинг эгрилиги; 11 тадан 20 tagача бурчакларнинг нотўғри бирлаштирилганлиги; 9 тадан 10 tagача чизикларнинг контурдан ташқарига чиқиб кетганлиги; 11 тадан 17 gача бурчакларнинг ноаниқ бирлаштирилганлиги;

0-1 балл -топширикни бажаришга 150 сониядан кўп вақт сарфланса. Бир ёки иккита чизикдан ташқари, қолган чизикларнинг нотўғри чизилганлиги; бир ёки иккита бурчакдан ташқари, қолган бурчакларни бирлаштиришдаги хатоликлар;

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш.

10 балл -жуда юқори.

8 -9 балл -юқори

4 -7 балл -ўртача

2 -3 балл -паст

0—1 балл -жуда паст

«Лабиринтдан чиқиш, йўлини топ» методикаси.

Ушбу топширикда болаларга расм кўрсатилиб, топширикда лабиринтнинг тасвирланганлиги, унда стрелка билан лабиринтга кириш нуқтаси ва чиқиш жойлари кўрсатилганлиги тушунтириб ўтилади. Бунда бола учли таёқчани олиб, расм ичидан юргизиб, лабиринтдан имкони борича тез

чиқиб кетиши ҳамда таёқчани имкони борица аниқ юргизиб, лабиринт деворига тегиб кетмаслиги керак.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл -топшириқ бола томонидан 45 сониядан кам вақт мобайнида бажарилса, аммо бола таёқча билан лабиринт деворига бирор марта ҳам тегиб кетмаса;

8 -9 балл -топшириқ бола томонидан 45 сониядан 60 сониягача вақт мобайнида бажарилса, ўтиш жараёнида 1—2 марта лабиринт деворига тегиб кетса;

6 -7 балл-топшириқ 60 сониядан 80 сониягача вақт мобайнида бажарилса ва лабиринтдан ўтиш жараёнида 3 -4 марта лабиринт деворига тегиб кетса;

4 -5 балл-топшириқ 80 сониядан 100 сониягача бажарилса, бола лабиринтдан ўтиш жараёнида, лабиринт деворига 5 -6 марта тегиб кетса;

2 -3 балл тоғшгариқ 100 сониядан 120 сониягача бажарилса, бола лабиринтдан ўтиш жараёнида, лабиринт деворига 7 -9 марта тегиб кетса;

0—1 балл-топшириқни бажаришда 120 сониядан кўп вақт сарфласа ёки умуман бажара олмаса;




«Нима тасвирланганини топ»

методикаси

Ушбу методика мактабгача ёшдаги болаларнинг идрокини ўрганишга мўлжалланган. Унда бола расмнинг бир неча қисмлари ёрдамида бутун расм қандай эканини билиши талаб қилинади.

Методика қуйидагича ўтказилади: Болага расмнинг А қисми кўрсатилади ва шу асосда расмда нима тасвирланганини топиш таклиф этилади. Бунинг учун 10 сония вақт берилади. Агар болалар бу вақт ичида нима тасвирланганини топа олмаса яна 10 сонияга унга расмнинг Б қисми кўрсатилади. Шу тариқа расм қисмлари то бола унда нима тасвирланганини билмагунча кўрсатилади.



Натижаларни баҳолаш:

10 – балл – бола А қисмдан 10 сониядан кам вақт ичида расмда ит тасвирланганини топди.

7 – 9 балл – бола Б қисмдан жами 11 – 20 сонли вақт сарфлаб расмда ит тасвирланганини топди.

4 – 6 балл – бола В қисмидан вақт 21 – 30 сонияга етганда расмда ит тасвирланганини топди.

«Расмларда қандай предмет етмайди» методикаси

Бу методика 3-4 ёшли болаларнинг тафаккурини ташхис қилиш учун мўлжалланган. Топшириқни бажаришдан олдин болага расмлар кўрсатилади ва ушбу тасвирлар тўлиқ бўлиши учун қандайдир предметнинг етишмаслигини, бу предметлар расмнинг пастки қисмида тасвирланганлиги айтиб ўтилади. Бола расмдаги тасвирлар тўлиқ бўлиши учун зарур предметларни топиб кўрсатиб бериши керак.



Натижаларни баҳолаш: 10 балл- топшириққа кетган вақт 30 сониядан кам бўлса;

8-9 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 31 сониядан 49 сониягача бўлса;

6-7 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 50 сониядан 69 сониягача бўлса;

4-5 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 70 сониядан 89 сониягача бўлса;


2-3 балл-топшириқни бажаришга кетган вақт 90 сониядан 109 сониягача бўлса;

0-1 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 110 сония ва ундан кўп бўлса;

Тараққиёт даражаси ҳақидаги хулоса: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 - 7 балл - ўртача, 2 - 3 балл - паст, 0 - 1 балл - жуда паст

«Шаклларни қирқиб чиқ» методикаси.

Ушбу методика 4-5 ёшли болаларнинг кўргазмали-ҳаракатли тафаккурини ташхис қилишга мўлжалланган. Топшириқнинг мақсади қоғозга чизилган шаклларни тез ва аниқ қирқиб олишдан иборат. Расмда берилган 6 та квадратда ҳар хил шакл тасвирланган. Ушбу расмлар болага бир бутун ҳолатда берилмайди, балки ҳар бир квадратдаги расмлар алоҳида берилади. Бунинг учун тадқиқотчи расмларни олти та квадратга қирқиб чиқади. Болага ҳар бир квадратдаги тасвирлар кетма-кетликда берилади. Расмлар тартиб рақами билан белгиланган ва қайчи билан имкони борида, шаклларни тез ва аниқ қирқиб олиш керак.



Натижаларни баҳолаш: Методика натижаларини баҳолашда, бола томонидан топшириқни бажариш жараёнидаги вақт ва аниқликка эътибор қаратилади.

10 балл-ҳамма шакллар бола томонидан 3 дақиқадан кам вақтда қирқиб олинса, ҳамма шакллар контури аслидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса;

8-9 балл - ҳамма шакллар 3 дақиқадан 4 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда шакллар контури аслидан 1 мм дан 2 мм гача фарқ қилмаса;

6-7 балл - ҳамма шакллар 4 дақиқадан 5 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда шакллар контури аслидан 2 мм дан 3 мм гача фарқ қилмаса;

4-5 балл - ҳамма шакллар 5 дақиқадан 6 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда шакллар контури аслидан 3 мм дан 4 мм гача фарқ қилмаса;

2-3 балл - ҳамма шакллар 6 дақиқадан 7 дақиқагача қирқиб олинса, ҳамда шакллар контури аслидан 4 мм дан 5 мм гача фарқ қилмаса;

0-1 балл - бола топшириқни 7 дақиқадан кўп вақт мобаинида бажара олмаса, ҳамда қирқиб олинган шакллар контури аслидан 5 мм дан кўп фарқ қилса;


Тараққиёт ҳақида хулоса: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 - 7 балл - ўртача, -3 балл - паст, 0 - 1 балл - жуда паст.

«Тасвирларни кўчириш» методикаси.

Ушбу методика 4-5 ёш болаларга мўлжалланган. Топшириқнинг моҳияти шундан иборатки, расмда ўнг томондаги махсус тайёрлаб қўйилган квадратлар ичига, шу расмдаги, чап томонда берилган катаклар ичидаги тасвирларни кўчириш керак. Бунинг учун болага қора фламастер берилиб, қуйидагича кўрсатма берилади:

«Ўнг томондаги катакларга, айнан чап томондаги шаклларга ўхшаш расмларни чизиш керак. Бунда иложи борича тоза ва бўяладиган жойларда бўшлиқ қолдирмасликка ҳамда шакллар контуридан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилиш керак».

Топшириқни бажаришга ажратилган вақт 5 дақиқа.



Натижаларни баҳолаш: 10 балл— бола ҳамма топшириқни 5 дақиқа мобайнида бажариб бўлди. Унда бўяладиган жойларда бўшлиқ қолмаса,

чизилган шакллар контури эса топшириқ андозасидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса.

8 - 9 балл - бола топшириқни бажаришга 5 дақиқа вақт сафрласа, унда бўяладиган ҳар бир шаклларнинг 1 - 2 жойларида бўшлиқ қолса, чизилган шакллар контури аслидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса.

6-7 балл - бола топшириқни бажаришга 5 дақиқа вақт сарфласа, бўяладиган ҳар бир шаклларнинг 3 - 4 жойларида бўшлиқ бўлса, чизилган бир неча шакллар контури аслидан 1,5 мм дан кўп фарқ қилмаса.

4-5 балл - бола 5 дақиқада 4 - 5 шаклни бўяшга улгурса, аммо бўялган шаклларнинг 5 дан 1 қисмидан кам жойларида бўшлиқ бўлса ва аслидан 2 мм гача фарқ қилмаса;

2-3 балл- бола 5 дақиқада 2 - 3 шаклни бўяшга улгурса, аммо бўялган шаклларнинг 5 дан 1 қисмидан кам жойларида бўшлиқ бўлса ва аслидан 2 мм гача фарқ қилмаса;

0-1 балл - бола 5 дақиқада битта шаклни бўяшга улгурса, ҳамда бўялган шаклнинг 4 дан бир қисмида бўшлиқ бўлса ва шакл аслидан 3 мм гача фарқ қилмаса.


Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 - 7 балл - ўртача, 2 - 3 балл –паст, 0 - 1 балл - жуда паст.

«Тасвирларни кўчириш» методикаси.

Ушбу методика 4-5 ёш болаларга мўлжалланган. Топшириқнинг моҳияти шундан иборатки, расмда ўнг томондаги махсус тайёрлаб қўйилган квадратлар ичига, шу расмдаги, чап томонда берилган катаклар ичидаги тасвирларни кўчириш керак. Бунинг учун болага қора фламастер берилиб, қуйидагича кўрсатма берилади:

«Ўнг томондаги катакларга, айнан чап томондаги шаклларга ўхшаш расмларни чизиш керак. Бунда иложи борица тоза ва бўяладиган жойларда бўшлиқ қолдирмасликка ҳамда шакллар контуридан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилиш керак».

Топшириқни бажаришга ажратилган вақт 5 дақиқа.



Натижаларни баҳолаш: 10 балл– бола ҳамма топшириқни 5 дақиқа мобайнида бажариб бўлди. Унда бўяладиган жойларда бўшлиқ қолмаса, чизилган шакллар контури эса топшириқ андозасидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса.

8 - 9 балл - бола топшириқни бажаришга 5 дақиқа вақт сафрласа, унда бўяладиган ҳар бир шаклларнинг 1 - 2 жойларида бўшлиқ қолса, чизилган шакллар контури аслидан 1 мм дан кўп фарқ қилмаса.

6-7 балл - бола топшириқни бажаришга 5 дақиқа вақт сарфласа, бўяладиган ҳар бир шаклларнинг 3 - 4 жойларида бўшлиқ бўлса, чизилган бир неча шакллар контури аслидан 1,5 мм дан кўп фарқ қилмаса.

4-5 балл - бола 5 дақиқада 4 - 5 шаклни бўяшга улгурса, аммо бўялган шаклларнинг 5 дан 1 қисмидан кам жойларида бўшлиқ бўлса ва аслидан 2 мм гача фарқ қилмаса;

2-3 балл- бола 5 дақиқада 2 - 3 шаклни бўяшга улгурса, аммо бўялган шаклларнинг 5 дан 1 қисмидан кам жойларида бўшлиқ бўлса ва аслидан 2 мм гача фарқ қилмаса;


0-1 балл - бола 5 дақиқада битта шаклни бўяшга улгурса, ҳамда бўялган шаклнинг 4 дан бир қисмида бўшлиқ бўлса ва шакл аслидан 3 мм гача фарқ қилмаса.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш: 10 балл - жуда юқори, 8 - 9 балл - юқори, 4 - 7 балл - ўртача, 2 - 3 балл –паст, 0 - 1 балл - жуда паст.

ўйинлар

«Расмларда қандай предмет етмайди» методикаси

Бу методика 3-4 ёшгача бўлган болаларнинг тафаккурини ташхис қилиш учун мўлжалланган. Топшириқни бажаришдан олдин болага расмлар кўрсатилади ва ушбу тасвирлар тўлиқ бўлиши учун қандайдир предметнинг етишмаслигини, бу предметлар расмнинг пастки қисмида тасвирланганлиги айтиб ўтилади. Бола расмдаги тасвирлар тўлиқ бўлиши учун зарур предметларни топиб кўрсатиб бериши керак.



Натижаларни баҳолаш.

10 балл- топшириққа кетган вақт 30 сониядан кам бўлса;
8-9 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 31 сониядан 49 сониягача бўлса;
6-7 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 50 сониядан 69 сониягача бўлса;
4-5 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 70 сониядан 89 сониягача бўлса;
2-3 балл-топшириқни бажаришга кетган вақт 90 сониядан 109 сониягача бўлса;
0-1 балл- топшириқни бажаришга кетган вақт 110 сония ва ундан кўп бўлса;

Тараққиёт даражаси ҳақидаги хулоса:

10 балл -жуда юқори
8 -9 балл -юқори
4 -7 балл -ўртача
2 -3 балл -паст
0—1 балл -жуда паст

«Классификациялар» методикаси

5-7 ёшли болаларда сўз-мантиқ тафаккурини ўрганиш учун қўлланилади.

Рағбатлантирувчи материал сифатида 25 та карточка тақдим қилинган бўлиб, у беш гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳда 5 тадан карточка мавжуд.

- Биринчи гуруҳ — шариклар.
- Иккинчи гуруҳ — кийим.
- Учинчи гуруҳ — мевалар.
- Тўртинчи гуруҳ — сабзавотлар.
- Бешинчи гуруҳ — озодалик буюмлари.

Ҳар бир гуруҳ учун умумий характерга эга бўлган жиҳатлар қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳар бир гуруҳ бирдан бешгача бўлган предметлар сони билан бир-биридан ажралиб турувчи бешта карточкадан иборат.

Масалан, иккинчи гуруҳни умумлаштирувчи сўз кийим сўзидир. Карточкаларда қуйидаги предметлар тасвирланган:

- 1-карточкада бир предмет: - шапка;
- 2-карточкада икки предмет: -шапка ва шарф;

3-карточкада учта предмет: -шапка, шарф, кофта;

4-карточкада тўрт предмет: -шапка, шарф, кофта, қўлқоплар;

5-карточкада беш предмет: - шапка, шарф, кофта, қўлқоплар, шим.

Карточкалардаги предметлар сонига бола ташқи белгилар сифатида қараши ва буларга асосланиб қарор қабул қилиши мумкин, аслида у барча карточкаларни предметлар турига қараб эмас, балки предметлар сонига қараб классификация қилади.

Ҳар бир гуруҳ учун фон сифатида бир хил ранг танланган, улар бир хил рамкага олинган, бу эса болага вариантларни классификация қилишда уларни фарқлай олиши учун асос бўлиши мумкин. Бу классификация варианты ташқи белгиларга асосланган ҳисобланади.

«Классификациялар» методикасининг иккинчи варианты ҳам бўлиб 16та карточка кўринишида такдим қилинади ва тўртта гуруҳдан иборат, ҳар бир гуруҳда 4тадан карточка бор.

Биринчи гуруҳ — ёғоч: 1-карточка — дарахт; 2-карточка — ёғоч; 3-карточка — курси; 4-карточка — ёғочдан қилинган кубиклар. Дарахт танасидан ёғоч олинади, ёғочдан стул ва болаларнинг ёғоч ўйинчоқлари ясалади.

Иккинчи гуруҳ — дон ва дон маҳсулотлари: 1-карточка — буғдой бошоқлари; 2-карточка — халтачада ун; 3-карточка — нон; 4-карточка — кондитер маҳсулотлари. Буғдой донларидан ун қилинади ва ундан нон, кондитер маҳсулотлари тайёрланади.

Учинчи гуруҳ — товук ва тухумдан тайёрланган маҳсулотлар: 1-карточка — товук; 2-карточка — тухум; 3-карточка — қуймоқ; 4-карточка — торт. Товук тухум кўяди, ундан қуймоқ ва торт тайёрланади.

Тўртинчи гуруҳ — қўй ва қўй жунидан тайёрланган кийим-кечаклар: 1-карточка — қўй; 2-карточка — жун ва жундан йигирилган ип; 3-карточка — жун свитер; 4-карточка — жун қўлқоплар. Қўй жун беради, жундан ип йигирилади ва ундан ҳар хил турдаги жун кийимларни тўқишда фойдаланилади.

Биринчи вариантдан фарқли равишда «классификациялар» методикасининг иккинчи вариантыда умумлаштирувчи бир сўз билан бирлашган предметлар| гуруҳидан эмас, балки бир-бири билан боғлиқлик мавжуд бўлган ва бола аниқлаши, улар асосида карточкаларни классификация қилиши лозим бўлган предметлардан тузилган.

Худди биринчи вариантдаги каби сўз-мантиқ тафаккурнинг шаклланганлик даражаси болада назарий шаклга «чиқиб» кетмаслиги ва бола уларга асосланиши учун карточкаларда махсус «ташқи» белгилар берилган. Биринчи гуруҳда бир стакан сут, иккинчи гуруҳда япроқча, учинчи гуруҳда тухум, тўртинчи гуруҳда ип ғалтаги «ташқи» белги вазифасини ўтаган.

Методикада махсус тузилган ташқи белгиларни ҳам эътиборга олиш лозим: -ҳар бир гуруҳ умумий фон билан намоён қилинган, карточкалар бир хил рамкага олинган бўлиб, буларнинг ҳаммаси боланинг классификациялар вариантларини ажратиб олишида асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Классификацияларнинг бу варианты ҳам ташқи белгиларга асосланган;

-ҳар бир гуруҳ тўртта карточкадан иборат бўлиб, расмларнинг тагида кичкина, ҳар бир гуруҳ учун хос бўлган қўшимча расмлар бор. Бу қўшимча расмларнинг сони бир-бирига боғлиқлик мантиғига тўғри келади. Масалан, сигир тасвирланган карточкада кичкина бир стакан сут бор, сут тасвирланган карточкада иккита кичкина стакан сут бор. Творог ва пишлоқ тасвирланган карточкаларнинг тагида эса мос равишда уч ва тўрт кичкина стаканда сут бор.

Тадқиқотни ўтказиш техникаси

Қўлланилиши: «Олдинда турган расмларнинг ҳаммасига диққат билан қара. Уларнинг орасида бир-бири билан ўхшаш расмлар бор. Бир-бирига ўхшаш расмларни топ ва уларни алоҳида гуруҳларга ажрат. Шундай қилсанг, бир-бирига ўхшаш расмлар гуруҳи йиғилади.»

Тестнинг ўтказилиши: Расмларни болага бериб уларни жим кузатасиз. Болага расмларни бемалол кўриб чиқишига имконият беринг. Бола уларни

Ўзича, ўзи белгилаган мезонлар бўйича классификация қилиши мумкин. Ишни тугатгандан кейин расмларни нима учун гуруҳларга бундай қилиб ажратганлигини ва ҳар бир гуруҳни қандай номлашини сўранг. Агар бола ўзининг ечимини асослаб берса, у билан буни муҳокама қилинг. Мабодо бола хато қилса, унга озгина йўл кўрсатиб юборинг. Шундай қилиб, сиз бола имконияти чегараларини билиб оласиз. Бола учун вазифани ўзингиз бажаришга ошиқманг, айниқса, вазифа қандай йўл билан тўғри бажарилишини айтманг. Болага озгина йўл-йўриқ кўрсатиб юбориш орқали вазифани тўғри ечимини топишига имкон бериш керак.

Расмларнинг мазмунини муҳокама қилиш бола нутқининг ривожланиш хусусиятлари ва онгининг ривожланиш даражасини аниқлашга имкон беради.

Натижалар таҳлили

Бу тест болаларни кўргазмали-образли тафаккурдан сўз-мантиқ тафаккурига ўтиш жараёни хусусиятларини аниқлайди. Айнан шунинг учун ҳам болалар берилган вазифа негизини мустақил равишда ифодалаб беришлари муҳим аҳамиятга эга. Қоида бўйича вазифа 10-15 дақиқадан ошмаса ҳам, ишлаш вақти чегараланмайди. Асосий эътибор вақт кўрсаткичларига эмас, балки бажарилган ишнинг тавсифига ва ўзига хослигига қаратилади:

Тест ўтказиш жараёнида бола вазифани бажара олмаса, уни хато деб белгилашга ошиқманг. Уларнинг кўпчилиги вазифани тушунмаганлиги тезроқ ишни тугатиш хоҳиши олдиндан тарқатма материаллар билан предметли-манипулятив ҳаракатларни бажарганлиги кабилар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун болага бу босқични босиб ўтишга имкон бериш керак. Агар шунда ҳам бола вазифани бажара олмаса, сиз унга озгина туртки бериб юборишингиз мумкин. Қоида бўйича болага «Нима учун сен олма расмини бу гуруҳга қўшяпсан?» дейилади. Жавобни кутиш керак. Жавоб нотўғри бўлган ҳолатларда умумлаштирувчи сўзни топишга қаратилган қўшимча саволлар берилади. Агар бола нима мева-ю, нима сабзавот эканлигини билмаслигига ишонч ҳосил қилсангиз, унда боланинг сўз-мантиқ тафаккури шаклланмаган,

деб хулоса чиқариш ярамайди. Билим бериш мантиғи болаларни ўқув материали билан таништириш, ундан кейин бу материал билан ишлашни тақозо этади. Керакли маълумотлар берилгач, текширувни давом эттириш мумкин: бунда болага бошқа карточкалар тўплами берилади ва у хато қилган тақдирда ҳам иш тўхтатилмайди.

Агар бола психолог тушунтириб бергандан кейин ҳам вазифани бажара олмаса, унда сўз-мантиқ хотирасининг бузилганлиги ҳақида гапириш мумкин. Бу натижани исботлаш учун маълум бир вақт ўтгандан кейин (бир ҳафта, ўн кун) болага классификацияларнинг бошқа вариантыни таклиф қилиш мумкин.

Мактабгача ёшдаги болаларда билиш жараёнларини ривожлантириш бўйича машғулотлар.

3 ёшли болалар учун.

“Рангли гиламчалар” (ранг)

“Доирачалар” (ўлчам)

“Фигуралар” (шакл)

“Намуна бўйича тузиш” (кўргазмали-ҳаракатли тафаккур)

Текшириш психолог томонидан ўтказилиб, битта бола учун 5-7 минут ажратилади.

“Рангли гиламчалар”–кўрув идрокининг хусусиятларини аниқлаш, асосий рангларни ажратиш

Материаллар: 6 та рангли карточка (қизил, кўк, сариқ, яшил, ҳаворанг, жигарранг. Болага навбат билан рангли (қизил, кўк, сариқ, яшил) карточкаларни танлаш таклиф этилади. Сўнгра тарбиячи карточкаларни болага кўрсатиб уларнинг рангини айтиб беришни сўрайди. 3 ёшли бола учун 3 та ёки 4 та рангни айтиб бериши меъёр ҳисобланади. 4 ёшли бола 4-6 та рангни ажрата билиши керак бўлади.

“Доирачалар” - предметларни ўлчамини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш. Болага бир хил рангдаги 3 та доира кўрсатилиб, энг каттаси ва энг кичигини айтиб бериши сўралади. Уч ёшли бола мустақил равишда вазифани бажариши меъёр ҳисобланади.

“Фигуралар” предметларнинг шаклини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш

Материаллар: бир хил рангдаги геометрик шаклларнинг (доира, квадрат, овал, учбурчак, тўғри тўртбурчак) 2 та комплекти.

Боланинг олдига бешта шаклдан ихтиёрий икkitаси қўйилади. Сўнгра иккинчи комплектдан битта шакл кўрсатилиб, унинг қўлидаги шаклнинг қайси

бири ўхшашлигини айтиб бериши сўралади. Масалан, боланинг олдида биринчи комплектдан доира ва квадрат қўйилади, сўнгра иккинчи комплектдан квадрат ва ҳок.

Уч ёшли бола овал ва доирани, квадрат ва тўғри тўртбурчакни адаштириши мумкин ҳисобланади.

“Намуна бўйича тузиш” фазовий ва кўргазмали-ҳаракатли тафаккурнинг хусусиятларини аниқлаш.

Материаллар: 2 та нусхада турли шаклдаги қурилиш деталлари

Текширувчи болага қурилиш деталларидан бирор бир нарсани ясаб беради, сўнгра худди шундай ясаб бериши сўралади.

Уч ёшли бола мустақил равишда вазифани бажарса қониқарли ҳисобланади.

4 ёшли болалар учун.

“Пирамида” -ўлчамни, кўргазмали-ҳаракатли тафаккурни идрок қилиш.

Материал: 5-7 та элементдан иборат пирамида.

Текширувчи болаларга пирамида кўрсатади ва боланинг диққатини у қандай ясалганига қаратади. Сўнгра бу пирамидани қисмларга ажратади ва болага қайтадан аввалгидек ясаб бериш топшириғи берилади. Агар бола вазифани бажаришга қийналса, ёрдам берилади.

Бола вазифани биринчи уринишидаёқ мустақил бажарса болада ўлчамни идрок қилиш юқори даражада ривожланган.

“Шакллар қутиси”- шаклни ва фазовий муносабатларни идрок қилиш. Ушбу вазифа боладан шаклларни идрок қилишнигина талаб этмасдан, шаклларни фазода тўғри ҳаракатлантиришни ҳам талаб этади.

Материал: доира, учбурчак, тўғри тўртбурчак, квадрат, кўпбурчак шакллардаги ўйиқчалардан иборат қутича.

Боланинг олдида турли шакллар, қутича қўйилади ва қуйидагича топшириқ берилади: “Бизда ғайриоддий почта қутиси ва ўзгача хатлар бор. Ҳар бир хатнинг ўз ўрни бор. Хатларнинг ўрнини топиб уларни жойлаштириб чиқ .” Агар бола шаклларни кўз билан чамалаб ўйиқчаларга жойлаштириб чиқса унда фазовий идрок юқори даражада ривожланган бўлади.

5 ёшли болалар учун.

“Маржон” - асосий ранглар ва уларнинг турларини идрок қилиш хусусиятларини аниқлаш.

Боланинг олдида бир хил ўлчамдаги, лекин ҳар хил рангдаги (қизил, тўқ қизил, кўк, сариқ, яшил, оч яшил, бинафша ранг, ҳаво ранг) 9 та доирачалар қўйилади ва улардан “маржон” ясаш сўралади, бунда текширувчи томонидан доирачаларни қандай кетма-кетликда жойлаштирилиши айтиб турилади. Топшириқ бажариб бўлингач боладан “маржонларнинг” рангини айтиб бериш

сўралади. Беш ёшли бола томонидан вазифа мустақил ва тўғри бажарилса қониқарли ҳисобланади.

«Қисмлардан бутун яшаш».

Фазовий идрок, диққатнинг сафарбарлиги ва хаёлнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш.

Кўрсатма: Боланинг олдида бир нечта (учта ёки тўртта) қирқимларга бўлинган расм тартибсиз ҳолда ёйиб қўйилади ва қуйидагича кўрсатма берилади: «Қисмларни диққат билан кўриб чиқ. Уларни тўғри йиғиб чиқсанг яхлит расм ҳосил бўлади».

Бола мустақил равишда расм қисмларини тўғри йиғса - фазовий идроки, тасаввури яхши ривожланган, диққатининг сафарбарлиги юқори.

2- БЎЛИМ. Мактабгача тарбия ёшдаги бола шахси ва шахслараро муносабатларини ташхис қилиш.

Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари қаятийлаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбаи сифатида уларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланаётган катталар, шунингдек, тенгдошлари ҳам бўлиши мумкин. Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқот, тақлид қилиш, жараёнида, катталарнинг мақтов ва танқидлари таъсирида ўтади ҳамда мустаҳкамланади. Бу баҳо ва мақтовлар боланинг муваффақиятга эришишига бўлган ҳаракатларининг ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Боғча ёшидаги даврда болаларда мулоқотнинг янги мотивлари юзага келади, бу шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқот мотивлари – бу болани ташвишга солаётган ички муаммолар билан боғлиқ, ишбилармонлик мотиви эса, у ёки бу ишни бажариш билан боғлиқ бўлган мотивлардир. Бу мотивларга аста-секинлик билан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш билан боғлиқ ўқиш мотивлари қуйидаги: 3-3,5 ёшлар оралиғида ўзларининг муваффақият ва муваффақиятсизликларига ўз муносабатларини билдиради ва бу муносабат, асосан ўзларига берадиган баҳолар асосида шаклланади. 4 ёшли болалар эса, ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар. Лекин, 4-5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани бера олмайдилар. Ўз-ўзини англаши лаёқати катта боғча ёшида ривожланиб, аввал у қандай бўлгани ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қиладилар.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараёндир, чунки кўпгина шахсни тадқиқ қилиш методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини таҳлил қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганаладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва беқарордир.

Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар яъни болани ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуддир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда эксперт сифатида болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар майдонга чиқадилар. Фақат ана шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз.

Биринчи методикамиз болалардаги ютуққа эришиш мотивининг тараққиёт даражасини баҳолашга мўлжалланган. Бунда мактабгача тарбия ёшдаги болаларнинг ҳар-хил вазиятлардаги фаолиятида муваффақиятга фаол интилишлари тадқиқ қилинади. Ютуққа эришиш мотиви шахсга туғма ҳолатда берилмайди. Балки мактабгача тарбия ёшида шаклланиб бориб, бола мактабга қабул қилинаётган даврга келиб, бола беқарор шахс сифатига айланиши

мумкин. 5-6 ёшли болаларда, ушбу эҳтиёж уларнинг индивидуал сифатларида бир-биридан жуда катта фарқланади. Бунда ютуққа эришиш мотиви кучли бўлган болалар асосан ҳаётида жуда катта муваффақиятларга эришадилар. Агар ушбу эҳтиёж суст ривожланган бўлса, у ҳолда омадсизликлардан қочиш мотиви болаларда юқори ўринда туради.

Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни 3 босқичга ажратиш мумкин:

- биринчи давр - 3- 4 ёш оралиғида бўлиб, эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустақамланиши билан боғлиқдир;

- иккинчи давр - 4- 5 ёшни ташкил қилиб, ахлоқий ўз-ўзини бошқара олиш билан боғлиқ;

- учинчи давр эса, шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятларини шаклланиши билан тавсифланади.

«ОИЛА РАСМИ» тести.(Оила бола кўзи билан)

Педагоглар ва психологлар оила муаммоларини, унинг анъана ва удумларини, бола шахсининг шаклланишида оиланинг таъсирини ўрганишда жуда кўп ишлар қилмоқдалар.

Бола ота – онанинг фақатгина тарбиявий таъсир этиш маҳсули эмас. У ўз оиласини ўзича тушунади ва қабул қилади. Оиладаги ўз ўрнини ўзаро алоқада белгилайди ва оилада ўзини ўзича англайди. Болалар рўй бераётган ҳодисаларга катталарга нисбатан бошқача баҳо берадилар. Биз қачонки атрофимиздаги оламни бола кўзи билан кўришга ўрганиб олганимиздан сўнггина, уларни тўғри тушунамиз, ҳаяжонларига, қайғуларига ёрдам бера оламиз. Эстон психологи Г.Хементаскас томонидан ишлаб чиқилган машхур «Оила расми» тести катталарга дунёни бола кўзи билан кўришга ёрдам берувчи воситадир. Бу тест боланинг ўз оиласига берган шахсий баҳоси ҳақида, оила аъзолари билан бўлган муносабатлари, бола нималарни идрок қила олмаслиги, нималарни кучли ҳаяжон билан ҳис қилиши ҳақида тушунча беради. Нималар болани онгсиз равишда хавотирга солса, худди шу нарсалар болаларнинг расмларида ифодаланади.

Оила расми бола шахсининг психологик портретидир. Бу тестни 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин. Психологлар бу тестдан боланинг оиладаги «Мен»ини ўрганиш мақсадида фойдаланадилар. Бу тестни ўтказиш педагогик ва психологик амалиётда қулай ва оммабоп. Бу тестни ўқитувчилар, мактаб психологлари ва ота – оналар ўтказишлари мумкин.

Тадқиқотни ўтказиш учун: 21 х 29 см ҳажмидаги оқ қоғоз, ўчирғич керак. Болага: «Илтимос, ўз оиланг расмини чизиб бер» - деб айтилади. Лекин «оила» нима эканлиги ҳақида тушунтирилмайди, чунки тадқиқот ўтказишнинг мақсади ўзгаради. Топшириқни ўтказиш учун вақт чегараланмайди. Топшириқни бола бажараётганда қуйидагиларга эътибор бериш керак: таркибларни чизиш кетма – кетлиги, таркибларни ўчирилиши, боланинг изоҳларга, ҳис – ҳаяжонга берилиши ва ҳ.к.

Топшириқ бажариб бўлгандан сўнг болага қуйидаги саволлар берилади: 1) Айтчи, сен бу расмда кимларни чиздинг? 2) Улар қаердалар? 3)

Улар нима қияптилар? 4) Улар хурсандмилар, ёки бирон нарсдан зерикканмилар? 5) Улардан қайси бири бахтли? Нимага? 6) Улардан қайси бири жуда бахтсиз? Нимага?

«Оила расми» тестини таҳлил қилиш учун а) боланинг ёши, б) оила аъзоларининг сонини в) ака, ука, опа, ёки сингилларининг ёшини билиш керак.

Оила расмининг таҳлили

1) Боланинг ҳақиқий оиласи унинг чизган оила расми билан таққосланади. Оиладаги ўзаро муносабатлар ва ундаги муҳит ижобий бўлса, бола оиладаги барча аъзоларнинг расмини чизади. Агар расмда оила аъзоларининг биронтаси чизилмаган бўлса, демак оилавий вазият мукамал эмас.

2) Агар расмда оилага тааллуқли бўлмаган одамларнинг расми чизилган бўлса: а) эътиборсизлик, ёлғизланиб қолиш, б) кучли катта хавотирланиш даражаси.

3) одатда болалар оиланинг қайси бир аъзоси билан низоли муаммо вужудга келган бўлса, шуни чизишни унутиб қўядилар. Кўп ҳолларда ака, ука ёки опа, сингилларнинг расмини чизмайдилар. Бу билан бола оилада ўзининг устунлигини, ота ва онасининг меҳрига тўймаганлигини ифодалайди. Масалан, бола ўзини ота ва онасининг ўртасида чизиб кўрсатган, кичик укаси ёки синглисини эса умуман чизмаган.

4) Агар бола ўз расмини чизмаган бўлса ёки оиласининг ўрнига фақат ўзинигина чизса, демак бу ҳолда оилада умумий бирликнинг йўқлигидан далолат беради.

5) Агар оиласининг ўрнига бола ҳайвонлар ва қушларни чизса, демак болага эътибор ва ҳиссий мулоимлик етишмайди.

6) Агар бола оила аъзоларининг расмини қўллари туташган ва бир қаторда чизган бўлса, демак бу оиладаги психологик иқлим яхши. Агар ундай бўлмаса, демак аксинча.

7) Агар оила аъзолари гуруҳ – гуруҳ бўлиб чизилган бўлса, демак бу оилада кичик гуруҳлар борлигини билдиради. Масалан, 9 ёшли ўғил бола ўзини отаси билан, онаси ва опасини эса алоҳида гуруҳда чизган.

8) Оила аъзоларининг кийимларида кўп таркибларнинг борлиги, ранглиги оилавий муносабатларнинг ижобийлигини кўрсатади ва аксинча оилавий муносабатларда адоват бўлса, оила аъзоларининг гавдалари тўлиқ бўлмай, кийимсиз ёки тугатилмай чизилади.

9) Болалар одатда отаси ва онасини жуда катта қилиб чизади. Демак, оиладаги муносабатлар тенглик асосида, бола ўзини оилада катталардек хис қилади.

10) Агар болалар ўзларини отаси ва онасидан ҳам катта қилиб чизса, демак болани ўз – ўзини баҳолаш даражаси жуда ҳам юқори.

11) Агар бола ўзини бошқа оила аъзоларига нисбатан жуда кичик ота – онаси томонидан ғамхурлик талаб қилади.

12) Агар бола ўз расмини қўлларини юқорига кўтарган ҳолда, бармоқларини узун қилиб чизган бўлса, бу унинг тажовузкорлигидан хабар қилади. Баъзан бундай расмларни ювош болалар ҳам ўзининг атрофидаги

одамларга нисбатан тажовузкорона руҳда эканлиги, лекин бу ҳолат яширинлиги маълум бўлади ҳамда бола кучли ва ўзгалар устидан хукмрон бўлиш хоҳиши борлигини билдиради.

13) Агар бола оила аъзоларининг қўлларини муштча тугилган ҳолда, бармоқлари узун ҳолатда чизса, демак у шу оила аъзосининг ўзига нисбатан тажовузкорлигини ҳис қилади.

14) Агар бола ўзининг тишларини катта қилиб чизган бўлса, демак унда тишлаш, бақиритиш, қўполлик қилишга мойиллик кучлидир. Агар бола бошқа оила аъзоларини шундай ҳолатда чизса, ана шу оила аъзосига нисбатан кўрқув ва душманликни ҳис қилади.

15) Оила расми тести боланинг ёш хусусиятлари билан боғлиқдир. 3 – 4 ёшдаги болалар одам гавдасини чизиқлар билан тўлиқ бўлмаган ҳолда чизади. 7 – 8 ёшли болаларнинг расми эса анча бойроқ бўлиб, гавда тузилишлари тўлиқ, расмлар тугалланган бўлади.

Мисол учун 12 ёшли қизчанинг чизган оила расмига мурожаат қиламиз. Қизнинг оиласи онасидан, бувисидан ва ўзидан иборат. Қиз расмда ўзини, онасини ва отасини чизган. Отаси анчадан бери улар билан яшамайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: бола оиладаги умумий бирликни ҳис қилмайди, бувисига нисбатан тажовузкорлик бор. Онаси билан ўзининг орасида ҳиссий илиқлик йўқ. Расмда бола отаси билан бирга яшаш хоҳиши борлигини яширинча билдирган. Бола ўзини оилада ёлғиз, яккаланган ҳолда, ҳамма томонидан ташлаб қўйилгандай ҳис қилади. Иккинчи мисол, 10 ёшли бола ўз оиласини тасвирлаган. Расмда барча оила аъзолари бир – бирининг қўлларини ушлаган ҳолда тасвирланганлар. Бола ўзини расмнинг марказида чизган. Расмни таҳлил қилар эканмиз, оиладаги психологик иқлим яхши эканлигини билиб олдик. Бола ўзини оилада кераклигини, ота–онасининг ва оила аъзоларининг меҳрини ҳис қилади.

Шундай қилиб, бола ўзини оилада қандай ҳис қилишни билишини хоҳласангиз, унга тоза оқ қоғоз беринг ва оила расмини чизиб беришини илтимос қилинг.

Оила кинетик расмининг аломатлари мажмуи

Аломатлар мажмуи	№	Аломат	Балл
I. Қулай оилавий вазият	1	Оиладаги барча аъзоларнинг умумий фаолияти	0,2
	2	Расмда одамларнинг кўплиги	0,1
	3	Оиладаги барча аъзоларнинг кўплиги	0,2
	4	Оилада яккаланиб қолган аъзоларнинг йўқлиги	0,2

	5	Штриховканинг йўқлиги	0,1
	6	Чизиқнинг яхши сифати	0,1
	7	Адоват кўрсаткичларининг йўқлиги	0,2
	8	Варақда одамларнинг ўхшаш тарзда тақсимланиши	0,1
	9	Мумкин бўлган бошқа белгилар	0,1
II. Хавотирланиш	1	Штриховка	0,1,
	2	Асос чизиғи – жинс	2,3
	3	Расм устидаги чизиқ	0,1
	4	Кучли босиб чизилмаган чизиқ	0,1
	5	Ўчириш	0,1
	6	Деталларга эътиборни кучайтириш	0,1,
	7	Нарсаларнинг кўплиги	0,1
	8	Қўшалоқ ёки узук – узук чизиқлар	0,1
	9	Айрим деталларни таъкидлаш	0,1
	10	Мумкин бўлган бошқа белгилар	0,1
III. Оиладаги келишмовчилик вазияти	1	Шахслар ўртасидаги тўсиқлар	0,2
	2	Айрим шаклларнинг ўчириб ташланиши	0,1
	3	Айрим шаклларда гавданинг баъзи бир қисмларининг йўқлиги	0,2
	4	Айрим шаклларни ажратиб кўрсатиш	0,2
	5	Айрим шаклларни яққалаб қўйиш	0,2
	6	Айрим шаклларнинг ўхшаш бўлмаган катталиги	0,2
	7	Ташқи тасвир билан расмнинг мос келмаслиги	0,1
	8	Нарсаларнинг кўплиги	0,1
	9	Расмда оила аъзоларидан айримларининг йўқлиги	0,2
	10	Орқаси билан турган оила аъзоси	0,1
	11	Мумкин бўлган бошқа белгилар	
IV. Оилавий вазиятда мукамал эмаслик туйғуси	1	Расм муаллифи номуносив равишда кичик	0,2
	2	Шаклларнинг қоғознинг қуйи қисмига жойлаштирилиши	0,2
	3	Чизиқ заиф, узок – юлуқ	0,1
	4	Муаллифнинг бошқалардан ажралиб қолиши	0,2
	5	Кичик шакллар	0,1
	6	Муаллиф шаклининг бошқаларга нисбатан ҳаракатсизлиги	0,2
		Муаллифнинг йўқлиги	0,1

	7	Муаллиф орқа ўгириб турибди	
	8	Мумкин бўлган бошқа белгилар	
	9		
V. Оилавий муносабатларда адоват	1	Битта шакл бошқа варақда ёки варақнинг орқа томонидан	0,2
	2	Шаклнинг тутган тажовузкор йўли	0,1
	3	Ўчириб ташланган шакл	0,2
	4	Қиёфаси ўзгартирилган шакл	0,2
	5	Тескари профиль	0,2
	6	Қўллар икки томонга ёйилган	0,1
	7	Бармоқлар узун, таъкидлаб кўрсатилган	0,1
	8	Мумкин бўлган бошқа белгилар	

«УЙ, ДАРАХТ, ОДАМ» (УДО) ТЕСТИ

УДО тестини қўллаш орқали болани мактаб таълимига психологик тайёргарлик даражасини баҳолаш қийин. Бир неча бор қўллаш, қайтадан қўллаш, масалан, тест мактабгача тарбия ёшдаги болаларни илк маротаба мактабга қадам қўйишида ва келгусида бошланғич синфни давом эттиришида бола шахси шаклланиши ҳақида ҳар томонлама, батафсил маълумотларни беради.

Тест ўтказиш юзасидан кўрсатма

УДО тестини бажариш учун болага ёки синалаётган гуруҳдаги болаларга қоғоз ва албатта, қора ҳамда рангли қалам (ҳеч бўлмаса асосий олти рақамли ранглар) ва ўчирғич тавсия этилади. Анъанавий тест ўтказиш вазиятида болага ўртасидан иккига букланган ҳолда стандарт оқ қоғоз берилади. Қоғознинг биринчи бетининг юқори қисмига босма ҳарфлар билан «УЙ», иккинчи ва учинчи бетнинг юқори қисмига эса «ДАРАХТ» ва «ОДАМ» сўзи ёзилади. Тўртинчи бетига боланинг исми, шарифи ва текширув ўтказиляётган сана ёзилади. Агар бола ҳамма расмларни битта қоғозга чизишни маъқул кўрса, уни тўхтатиш тавсия этилмайди. Психолог болага шундай дейди: «Илтимос, имконинг борича уй, дарахт, одам расмини чизиб бер. Илтимос, расм чизаётганингда, эркак кишининг расмини чиз». Барча аниқлаштирувчи саволларга психолог жавоб бериши зарур. Бунда болага расмнинг сифати ва у қандай рангларни танлаши муҳим эмаслиги, асосийси, бола вазифани бажонидил бажариши ва у уй, дарахт, эркак расмини ўзи қандай тасаввур қилишини тушунтириши лозим.

Вазифани бажариш вақтида бола ҳаракати хусусияти ҳақида қисқа қайдлар қилинади. Одатда барча тасодифий фикрлар, барча ҳаракатлар ёзиб борилади.

Бола расм чизишни тугатаётган пайтда, унга бир қатор саволлар билан мурожаат қилинади. Тахминий саволлар қўлланманинг охирида берилган. Расм бўйича саволлар суҳбатга айланиб, боланинг ҳаётий тасаввурлари ва атроф-муҳитда мавжуд нарсаларни эмоционал идрок этиш ҳақидаги маълумотларни бериши зарур.

Натижалар таҳлили

Биз Р.Бэнс, С.Кауфман, Б. Гуддинаф, С.Р. Рейнольдс, Г. Хоментаусткас ва Р.Ф. Беляускайте(1983)ишланмасига асосланган таҳлиллар тизимини тақдим этамиз. УДО тестини миқдорий баҳолаш учун сифат кўрсаткичлари қуйидаги белгилар тўплами билан гуруҳлаштирилган:

- 1 - ҳимоясизлик;
- 2 - хавотирлик ;
- 3 - ўзига ишончсизлик;
- 4 - ўз-ўзидан қоникмаслик ҳисси;
- 5 - ғанимлиқ;
- 6- зиддият (фрустрация)
- 7 - мулоқотда қийинчилик;
- 8 - тушкунлик.

Ҳар бир белги тўплами баллар билан баҳоланувчи бир қатор кўрсаткичлардан иборат. Агар кўрсаткич қатнашмаса, у ҳолда нол қўйилади. Белгилар иштироки 1 балл билан баҳоланади. Ҳар бир белгилар тўплами бўйича юқори балл 8-10 баллни ташкил этади. Баллар ҳисоби учта расмни ўз таркибига олади. Масалан, агар боланинг расмида штрихлар иштирок этса, шу белгилар тўпланда муҳим бўлган штрихлар учуи баллар ҳисоблаб чиқилади. Шундай қилиб, ҳар бир белгилар тўплами бўйича аниқ баллар миқдори йиғилади.

«Уй- дарахт- одам» тестининг белгилар тўплами

А. Ҳимоясизлик

1. Расм қоғознинг марказида жойлашган, бироқ жуда кичкина
2. Расм қоғознинг юқори қисмида
3. Уй ва дарахт қоғознинг энг чеккасида
4. Расм қоғознинг пастки қисмида асоссиз чизилган
5. Иккинчи даражали деталлари кўп
6. Илдизлар ажратиб кўрсатилган
7. Номутаносиб узун қўллар
8. Оёқлар ораси кенг қўйилган
9. Сезиларсиз чизилган штрих
10. Бир хил рангда бажарилган хира расм

Б. Хавотирлик

1. Деталларни алоҳида ажратиш
2. Бўшлиқни чегараланганлиги (расм рамкада)
3. Қаттиқбосиб чизилган штрих
4. Чизиклар қаттиқбосиб чизилган
5. Ўчирғичдан тез-тез фойдаланилган
6. Қуриб қолган дарахт ёки тўнка
7. Асосий чизикларнинг ажратиб кўрсатилганлиги
8. Сочларни қалин қилиб бўяш
9. Тўқ рангларни устунлиги
10. Фақат оддий қора қаламдан фойдаланиш

В. Ўзига ишончсизлик

1. Расм чизиклари жуда заиф
2. Уй қоғознинг бурчагида
3. Тана чизиғи заиф
4. Уйнинг кириш йўли йўқ
5. Жуда кичкина эшик
6. Расм чизиш вақтида ўзини оқловчи баҳона гаплар, расмни қўл билан беркитиш
7. Уй ҳавода «осилган», олдида ҳеч нарса йўқ
8. Дарахт тўнка сифатида
9. Ўчирғичдан тез-тез фойдаланилган
10. Баргсиз, қуруқ дарахт

Г. Ўз-ўзидан қониқмасликтуғуси

1. Расм жуда кичкина
2. Охири йўқ
3. Қўли орқасида
4. Номутаносиб бўлган калта қўллар
5. Номутаносиб тор елка
6. Номутаносиб тарвақайлаган шохлар
7. Номутаносиб катта икки хил ўлчамли барг
8. Баргсиз, қуруқ дарахт
9. «Нимжон» пойдеворсиз уй
10. Фақат оддий қора қаламдан фойдаланиш ёки бўёқлар

Д. Ғанимлик

1. Дераза йўқ

2. Қулфли эшик
3. Жуда катта дарахт
4. Таҳдид солувчи расм муҳити
5. Одам, дарахтнинг қайтарма шакли
6. Бармоқдек икки ўлчовли шохлар
7. Кўз косаси бўш
8. Узун ўткир бармоқлар (6 ёшдан кейин)
9. Тиш оқи кўринган ҳолда
10. Одам тажовуз ҳолатда

Е. Зиддият (фрустрация)

1. Бўшлиқнинг чегараланганлиги
2. Пастки кўриниш (чувалчанг нигоҳ)
3. Қайта чизилган объект
4. Бирор-бир объектни чизишдан бош тортиш
5. Иккита дарахтдек чизилган дарахт
6. Расмлардан бирининг сифати яққол бир-бирига тўғри келмаслиги
7. Расм ва гапларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги
8. Бел қисми ажратиб чизилган
9. Томда предметларнинг йўқлиги
10. Кулранг қалам, тўқ рангларнинг устунлиги

Ж. Мулоқотдаги қийинчилик

1. Эшикнинг йўқлиги
2. Жуда кичкина ёки ушлагичи йўқ эшик
3. Деразанинг йўқлиги
4. Маҳкам беркитилган дераза
5. Юзи охирида чизилган
6. Юздаги асосий деталларнинг йўқлиги
7. Одам схематик тарзда таёқчалардан чизилган
8. Уй, одам ён тарафдан чизилган
9. Қўл ҳимоя қилиш ҳолатида
10. Дўстларсиз, ёлғиз одам чизилганлиги ҳақида фикр

З. Тушқунлик

1. Расм қоғознинг энг қуйи қисмига жойлаштирилган
2. Уй ёки дарахтнинг юқоридан кўриниши
3. Асосий чизиқнинг пастга қараб кетиши

4. Расм чизиш жараёнида чизиқни заифлашиши
5. Расм чизиб бўлгандан сўнг толиқиш
6. Жуда кичкина расм
7. Фақат оддий қора қалам билан чизиш
8. Тўқ ранглар устунлиги
9. Чарчаганлик ёки бажара олмаслик сабабли тестдан воз кечиш
10. Одамнинг расми номутаносиб, тўқ рангда «ғужанак» ҳолатда

Бола уй, дарахт, одам расмини муайян тестни ўтказиш вазиятда чизгандагина уни таҳлил қилиш мумкин. У боланинг тасвирий фаолиятини психологик кўриб чиқиш мумкин дегани эмас, лекин бундай ҳолларда таҳлилнинг бошқа усулларида фойдаланилади, расмни баҳолаш моҳияти ҳам фарқ қилади.

Агар бола тенгдошларига нисбатан сезиларли даражада ёмон чизса, агар расмда салбий истикбол бўлса, мутаносиблигида бузилиш, чизилаётган объектларда асосий деталларни йўқлиги, учта чизилган расмнинг сифати яхши бўлмаса, бу ақлий ривожланишдан орқада қолиш ҳақида хулоса учун етарли даражада асос, бўлмайди. Бу кўпроқ педагогик қаровсизликдан далолат бериб, уни қўшимча усуллар орқали ташхис қилиш зарур. Келгусидаги текширувни боланинг интеллектуал хусусиятларини аниқлашга йўналтириш зарур. Агар расмлар орасида бирортаси салбий сифати билан ажралиб турса, эҳтиёж у синалувчининг кўп ҳолларда ёрқин эмоционал таъсирини юзага келтиради.

Агар учта расм бўйича бир қанча белгилар тўплами намоён бўлса, мазкур бола учун эмоционал муаммоларни ҳал қилиш зарур деб тахмин қилиш муҳим.

Амалиётда УДО тестини қўллашга асосланишнинг самараси, тестда чизилган расмлар марказий нерв тизимининг (МНТ) органик жароҳатланишини аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Психолог ва невропатолог томонидан болани МНТнинг органик жароҳатланишига асосланган қўшимча текшириш зарурияти белгиси си фатида кўриш мумкин бўлган бешта кўрсаткич мавжуд:

- расмда иккита чизиқ;
- чизиқларнинг бир-бири билан туташмаганлиги;
- чизилган шаклда қаттиқ қиялик;
- жуда катта бош;
- расмда одамни адекват бўлмаган ҳолда ажратиб кўрсатиш.

МНТда органик жароҳатланишнинг фигура қисмлари мавжудлиги боланинг ақлий ривожланишдан орқада қолишидан далолат бермайди, бироқ мактабда фанларни ўзлаштира олмайдиган болаларни ташхис қилишда асосий омил ҳисобланади. Бундай болалар тез чарчайдилар, диққати суст, мактабда ва уйда алоҳида тартибни ҳамда ўқув жараёнини алоҳида ташкиллаштиришни талаб

этади. Улар тузалгунларига қадар мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар психологларнинг диққат марказида бўлиши зарур. Бундай болаларнинг ота-оналари билан психологик маслаҳат кўринишида яқин алоқа ўрнатиш зарур ҳисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилгандек, тестни бажариш икки қисмдан иборат: расм чизиш жараёни ва ундан кейинги суҳбат. Бу суҳбатдан боланинг мактаб таълимига тайёргарлик даражасини аниқлашда, нутқ ривожланишини ташхис қилишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари у умумлаштириш қобилияти ва мантиқий тафаккур ривожланишини аниқлашга имкон беради.

«УДО» методикаси бўйича тахминий кўриниш расми ҳақида сўров ***«Уй» расми***

- Бу кимнинг уйи? Сенинг уйингми ёки кимникидир?
- Бу уйда кимяшайди?
- Бу уй ғиштли, ёғочли ёки яна қандай?
- Бу уй қаерда жойлашган?
- Сен бу уйда яшашни хоҳлайсанми?
- Сен билан бирга бу уйда ким яшайди?

«Дарахт» расми

- Бу қанақа дарахт?
- Бу дарахт қаерда ўсади?
- У қуриб қолмаганми?
- Бундай дарахтларни сен қаерда кўргансан?
- Бу дарахт каттами ёки кичикми?

“Одам”расми

- Бу эркак киши ким?
- Бу одам неча ёшда?
- Бу одам меҳрибонми ёки баджаҳлми?
- Сен бу одам билан танишмисан?
- Сен у билан дўстлашишни хоҳлайсанми?

Агар психологнинг мақсади боланинг нутқ ривожланишини ташхис қилиш бўлса, уни қуйидаги белгилар тўплами схемаси бўйича амалга ошириши мумкин, улар (ҳар қандай бошқа сўровномаларни қўллашда улар умумий ҳисобланади):

- 1) Боланинг нутқи ривожланган, сўз бойлиги турли-туман;
- 2) Барча сўзлар фарқланади ва улар маъносига мос ҳолда қўлланилади;

- 3) Барча товушлар аниқ, тўғри талаффуз этилади;
- 4) Жавоблар тўлиқ жумлалардан тузилган бўлиб, мантикий мазмунни ўз ичига олади;
- 5) Бола саволларга жонли ва адекват жавоб қайтаради;
- 6) Психолог саволлари мазмунни англатишга импульс бўлиб хизмат қилади;
- 7) Бола қобилияти туйғулар дунёсини сўзлар орқали ифодалаш;
- 8) Суҳбат диалог кўринишида амалга оширилади.

Боланинг саволларга жавоби билим даражасининг ҳажми ва кўргазмали тафаккурни тавсифловчи изоҳлар кўринишида бўлиши мумкин.

Нутқ ўсиши даражаси ҳақидаги хулоса умумий бўлиши мумкин: яхши (6дан 8гача бўлган белгилар тўплами мезони), ўрта (3дан 5гача бўлган мезон), суст (2тагача бўлган мезон). Тавсия этилаётган расмлар сўров «УДО» методикаси мавзу бўйича саволларга асосланади, бизнинг нуқтаи назаримизда аксарият ҳолларда суҳбат қуриш жараёни ва расмлардан фойдаланиш имконияти кенг доирада намоиш этилади.

Мавжуд бўлмаган ҳайвон тести

Агар расм варақнинг ўнг томонининг юқори қисмидан ўрин олган бўлса, бу ҳолат айни дам билан боғлиқ ёки келажакка алоқадор ҳисобланади, ижобий эмоцияни ифодалайди.

Расм чап тарафда варақнинг пастги қисмидан ўрин олган бўлса, у ҳолда ўтмиш билан боғлиқ, фаолсизлик ва салбий эмоцияни ифодалайди. Расмдаги меъёрдаги золат расмнинг варақнинг ўрта қисмида жойлашганлигидан билинади. Агар расм варақнинг юқори қисмига жойдлашган бўлса, бу юқори ўзини баҳолаш ва ўзининг жамиятдаги ўрнидан норозиликдан далолат беради. Атрофдагилар томонидан тан олимпиаётганлиги, кўпроқ норозиликлар билдиришга мойиллигини билдиради.

Расм варақнинг пастги қисмига яқин бўлса, ўзига ишончмаслик, ўз-ўзини паст баҳолаш, қатъиятсизлик, таъсирларга тушиб қолганликни англатади.

Агар расмдаги ҳайвоннинг юоши ўнг томонга қаратилган бўлса, у ҳолда инсоннинг амалга оширилаётган ишлари ёки нимани амалга оширмоқчи бўлса режали бажаришидан далолат беради.

Агар расмдаги ҳайвон боши чапга қаратилган бўлса, у ҳолда бундай кишилар амалга оширилаётган ишларида журъат етишмайди, кам мулоҳазаловчи ҳисобланади.

“Юз” кўриниши, яъни бош ҳолати чизувчига қараб чизилган бўлса, у ҳолда бу эгоцентризмдан далолат.

Бош деталарининг маъноси:

Қулоқ: ахборотларга қизиқувчанлик, атрофдагиларнинг у тўғрисидаги фикрлари қизиқтиради, атрофдагиларнинг унга берадиган баҳоларига ҳис-туйғули, пайти бўлса-да ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартирмайди.

Очилиб қолган оғиз тил билан ифодаланса, вайсақи, лабнинг аниқ чизилганлиги-чезгирлик. Тил ва лаб аниқ чизилмаган очик оғиз-ишончсизлик, кўрқув борлиги, Оғиз тиш билан ифодаланса-оғзаки тажовузкорлик аломати (ҳақаротловчи, кўпол, таҳдид қилувчи).

Кўз. Кўзнинг алоҳида ажратилиб чизилганлиги-бу чизган инсонда кўрқув борлигини билдиради. Киприкларни ифодаланиши-хулқ-атворида намоийкороналик, кийиниши ва юриш-туриши билан атрофдагиларга ўзини кўрсатмоқчи бўлувчи.

Ҳайвоннинг бошида кўшимча деталлари бўлганда:

Шох-тажовузкорлик, агар агрессияни бошқа белгилари тирноқ, нина-агрессиянинг характери ифодалайди, у тасодифий ёки ҳимояланиш бўлиши мумкин.

Патли- намоийшкороналик, ўзини оқлаш ва ўзини безашга мойиллик.

Ёл, жўн-сезгирлик, ўз жинсини қайд этувчанлик.

Ҳайвоннинг оёғи, панжалари: асосилик, мулоҳазали, қарор қабул қилишда амалий ёндашувчан. Оёқнинг йўқлиги ёки нозик оёқ-атрофлачи ўйловчи, хулоса чиқаришда енгилтабиат, импульсив хулоса чиқаради. Бир хиллик, оёқларнинг бир-бирини такрорлаши (кўпоёқлик)-мулоҳазаларга тобе, стандартлашиб қолган ва сийқаси чиққан. Оёқларнинг хилма хиллиги, панжалар-мустақиллик, сийқасичиқмаган, оригиналлик, ижодкорликдан далолат беради.

Қисмларнинг фигура даржасига кўтарилганлини:

Қанот, пайпаслагич, қисқич-хоҳишнинг ҳаётнинг барча соҳаларига йўналганлигидан далолат беради, қизиқувчанлик, жасурлик, шижоатлилик, ўзига ишонч ифодалайди.

Безак берувчи деталлар- бантик, қўнғироқ соч-намоийшкороналик, хоҳишни ўзига қаратилганлиги, устамолик.

Дум-юқорига қаратилган бўлса, инсон хатти-ҳаракатларини, қарорларини ижобий баҳолайди, **дум** пастга қаратилган бўлса-айтилган, бажарилган нарсалар юзасидан ўзидан норозилик, ачинишни англатади. Дум ўнгга қаратилган бўлса, инсон муносабати ўз хатти-ҳаракатлари ёки хулқига қаратилган муносабатни, чапга қаратилган бўлса – фмкрга, қарорларга муносабатни англатади.

Фигура контурлари- қалқон, совутмавжудлиги-атрофдагилардан ҳимояланиш, нина, ўткир бурчакли совут-тажовузкорлик, Қора қилиб чизилган қизиклар, қизикларни иккиланганлиги- шубҳаланиш, кўрқув, безовталаниш. Ушбу ҳимояланишларнинг жойлашув ўрнига кўра: юқорига жойлаштирилган бўлса-ота-она, ўқитувчи, бошлиқлардан, пастда акс эттирилган бўлса-муҳокамадан, кичикларда нуфузнинг йўқлиги, тобеликни англатади; ён томонда чизилган бўлса-ҳимояга тайёрлик ва ҳар хил вазиятларда ҳар хил тарзда ўз-ўзини ҳимоялаш.

Расми босиброқ чизиш-қизикларни орқа томондан ҳам кўриш (чизга қўлда юқори даражада титраш тонуси мавжуд), кескин безовталаниш (қандай деталга алоҳида урғу бериб чизилганига қараб).

Ҳайвоннинг умумий ҳолати баҳо: тажовузкор, тажовуз қилишга тайёрланган ва беозор-бу ҳар шахснинг ўзига муносабати, ўз Менига муносабати, унинг оламга муносабати, ўзини нимага ўхшатиши (қуён, фил, яъни чизилган расмга кўра). Ушбу суратлада чизилган нарса, чизувчининг ўзи саналади.

Айлана шакл, ҳеч нарса тўлдирилмаган ҳолда тундлик, ички олами берклигидан далолат беради.

Механик қисмларни ичига жойлаштирилганлик-ҳайвоннинг жонли қисми сифатида ишлатилганлиги- танк оёғини қўлланилганлиги, симлар, антена

—шизоидлик, шизофренияга мойиллик бор.


Номланиши-агар номланиш, мазмунли қисм билан рационал боғланган бўлса, рационаллик, мослашишга қобилиятлилики; номланишга илмий тус берилган бўлса-интеллектда номойишкороналик, эрудиция; ҳар хил маънолиовозли, товушли тарздаги —енгилтаклик, хавфга бўлган огоўлантиришларни сезмаслик; тақдир тақазосига кўра берилган номлар-атрофга нисбатанилтифотли. Ҳаддан ортиқ узун номлаш-ҳимояланиш, Ҳимоя тарзда фантазияга мойиллик.

3-БЎЛИМ. БОЛАНИНГ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРЛИК ДАРАЖАСИНИ ЎРГАНИШ

Кўриш идрокини ўрганиш учун топшириқ

Кўриш идроки ўқувчиларни китобдан, доскадан кўриб олинadиган маълумотларни қанчалик тез эсда олиб қолиниши ва эсга туширишни ҳамда назорат қилишни таъминлайдиган жараён.

Топшириқниболалар билан ўтказиш учун ўлчамлари 10x10 см. бўлган оқ қоғозга қуйидаги расм чизилади



(бундан кейин 10x10 см. ўлчамли оқ қоғоз матрица деб юритилади). Бола олдида матрица қўйилиб, вазифа берилади. Кўрсатма: "Бу расмлар қандай шакллардан иборат?" Бола ҳар бир расмни таҳлил қилиб бериши керак.

Олинган натижаларнинг талқини.

- Бола топшириқни бажарганда 1-2 та хатога йўл қўйса 2 балл билан баҳоланади.
- Топшириқни бажарганда 3-4 та хатога йўл қўйса, 1 балл билан баҳоланади.
- Топшириқни бажарганда 5 ва ундан кўп хатога йўл қўйса, "0" (ноль) балл қўйилади.

Эшитиш идрoки

Психолог томонидан ўқиладиган ва бола эшитаётган матнни у қанчалик тушунганлиги ва эсда олиб қолinganлиги ўрганилади. Топшириқни болага бериш учун бир неча қисмдан иборат (мисол тариқасида 2-расм тавсия қилинмоқда), лекин умумий сюжетга эга расмлар кўрсатилиб, сўз билан мантиқий кетма-кетлиги сақланган ҳолда изоҳлаб берилади. Масалан: "Эркин уйқудан туриб, жойини йиғиштириб, бадантарбия (физкультура) билан шуғулланиб, қўл-юзини ювиб, овқатланиб, кийиниб мактабга кет-ди".


Шундай усул икки марта такрорлангандан кейин болага суратлар ёрдамисиз Эркиннинг ҳаракатларини айтиб бериш топшириги берилади.

Олинган натижаларнинг талқини

Эшитилган матн ва ҳаракатлар тўлиқ айтиб берилса, 2 балл билан баҳоланади.

Жавобда 1-3 та хатога йўл қўйилса, 1 балл билан баҳоланади.






Жавобда 4 ва ундан ортиқ хатога йўл қўйилса, "0" (ноль) балл қўйилади.



3. қисқа муддатли хотира ҳажмини аниқлаш

Ахборотни эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва кейинчалик уни яна эсга тушириш-хотирадир. Топширикни ўтказиш учун улчамлари 10x30 см.ли бешта матрица тайёрланади. Ҳар бир матрицага қуйидаги шакллар чизилади.

1	
---	--

2	  
3	 
4	   
5	    

Топшириқни бажариш учун болага матрицалар алоҳида-алоҳида кўрсатилади ва кўрсатма берилади: Диққат билан шаклларни кўриб ол ва эсга олиб қолишга ҳаракат қил. Ҳар бир матрица кўрсатилгандан кейин бола эсга олиб қолган шаклни ўзининг жавоблар варақасига тушириб бериши керак. Ҳар бир матрицанинг кўрсатилиш вақти мавжуд.

Матрицаларнинг кўрсатилиш вақтлари:

- * Биринчи матрица-2 секунд.
- * Иккинчи матрица-3 секунд.
- * Учинчи матрица-4 секунд.
- * Тўртинчи матрица-5 секунд.
- * Бешинчи матрица-6 секунд.

Олинган натижаларнинг талқини.

Ҳар бир матрицадан бола эсга олиб қолган ва жавоблар варақасига туширган шакллар алоҳида-алоҳида баҳоланади.

- Биринчи матрица шакллариининг ҳар бири 0,5 баллдан баҳоланади.
- Иккинчи матрица шакллариининг ҳар бири 1 баллдан баҳоланади.
- Учинчи матрица шакллариининг ҳар бири 1,5 баллдан баҳоланади.
- Тўртинчи матрица шакллариининг ҳар бири 2 баллдан баҳоланади.
- Бешинчи матрица шакллариининг ҳар бири 2,5 баллдан баҳоланади.

Мисол учун, бола тўртинчи матрицадан иккита шаклни жавоб варақасига чизиб берган бўлса, унда ҳар бири 2 баллдан бўлганлиги учун 4 балл қўйилади. Шундай қилиб, ҳар бир матрица алоҳида-алоҳида таҳлил қилингандан кейин балларнинг умумий йи\индиси чиқарилади. Энг кўп йи\иладиган балл 30,5 баллни ташкил қилади. Натижалар формулага қўйилиб, қисқа муддатли хотиранинг фоиз ҳисобидаги ҳажми чиқарилади.

$$x \approx \frac{H}{30,5} \times 100\%$$

X - қисқа муддатли хотира ҳажми. H - боланинг тўплаган бали.

Фоизли кўрсаткичларнинг балл тизимига ўзгарилиши.

-75% ва ундан юқори - 2 балл

-50% -75% - 1 балл

-50% дан кам кўрсаткич - "0" (ноль) балл.

4. Кўргазмали-схематик тафаккурни ўрганиш.

Ушбу топшириқни ўтказиш учун бешта матрица тайёрланиб, ҳар бир матрицада тўрттадан сурат тасвирланган бўлиши керак. Тўртта расмдан учтаси қандайдир хусусияти, хоссаси билан боғланган бўлиши лозим. Тўртинчи расм хусусияти ва хоссаси билан бошқаларидан мутлақо фарқ қилиши зарур. Болага ҳар бир матрица алоҳида-алоҳида берилиб, тўртта суратдан қайси бири ортиқча эканлигини аниқлаш топшириги берилади.

Матрицаларда тасвирланган суратлар буйича тавсиялар:

- Биринчи матрица: болга, болта, арра, мих.
- Иккинчи матрица: авторучка, қалам, сиёҳли ручка, дафтар.
- Учинчи матрица: соат, кўзойнак, тарози, термометр.
- Тўртинчи матрица: шол\ом, картошка, пиёз, олма.
- Бешинчи матрица: қўй, эчки, бузоқ, хўроз.

Ҳар бир тўғри топилган жавоб 1 балл билан баҳоланади. Барча тупланган баллар яқунланади ва бу балл ишчи балл бўлиб ҳисобланади.

Ишчи балларни асосий балларга ўғириш

- Бола тўрт ва ундан юқори ишчи балл тўпласа-2 балл.
- Бола уч ишчи балл тўпласа - 1 балл.
- Уч ишчи баллдан кам тўплаган ҳолда "0" (ноль) балл.

Олти ёшли боланинг мактабда ўқишга психологик тайёргарлик даражасини ўрганиш натижалари барча топшириқлар бўйича умумий баллари тўпланиб ҳулоса қилиш учун асос бўла олади.

Хулосага кўра, Олти-саккиз баллгача тўплаган болаларнинг умум етуклик даражаси юқори, тўрт-олти баллгача тўплаган болаларнинг умумий етуклик даражаси ўртача, деб ҳисобланади.

Умумий етуклик даражаси юқори ва ўртача, деб ҳисобланган болалар мактабга ўқишга тавсия этилади.

Тўрт баллгача тўплаган болаларга мактабда ўқишга тавсия этилмайди. Бундай болалар билан алоҳида шуғулланиш ёки ўқиш учун келгуси йилга қолдирилиши мақсадга мувофиқдир.

«График диктант» методикаси.

Ўқув топшириғини қабул қилиш, ўқув амалиётини бажариш, яъни ихтиёрий (эркин) эътибор ривожланганлиги даражасини аниқлаш учун Л.А.Венгер методикаси бўйича ташхис ўтказиш.

Йўриқнома:

-Катакли дафтар вароғидан олиш ва болага чироқли нақшлар чизишни ўргатишни таклиф этиш.

-Мен сенга чизиқни қандай тортишни айтаман, сен мен айтгандек қилиб чиз.

-Сен ўнг қулинг қаердалигини эслайсанми?. Тўғри, бу ўша қалам ушлаб турган қўлинг. Қани уни ёнга чўзчи. Қаерни у кўрсатиб турибди (эшикни ва бошқ).

-Демак, мен қачон чизиқни ўнг томонга тортинглар десам сен эшик томонга қаратиб чизасан.

-Чап қўлинг қаерни кўрсатяпти? (деразани ёки бошқ).

-Тўғри. Мен қачон чап томонга, десам сен чизиқни дераза томонган тортасан.

-Мен фақат қайси томонга чизиқни чизишни айтмай, балки унинг ўзунлигига


қанча яъни, бир катак ёки икки катак бўлишини ҳам айтаман.

-Фақат мен айтган нарсани чизинглар. Чизик тортаётганингда тўхтаб, кутиб тур, қачон мен янги чизикни қандай чизишни айтганимдан сўнг олдингиси тўхтаган жойдан бошлаш керак.

Болага нақшни қаердан бошлаб чизишни кўрсатиш (варақнинг устки чап бурчагидан, чеккасидан биорз жой ташлаб) ва айтиб туриш керак:

битта катакча юқорига. Битта катакча ўнгга. Битта катакча пастга. Битта катакча ўнгга. Битта катакча юқорига. Битта катакча ўнгга. Битта катакча пастга. Битта катакча ўнгга. Битта катакча юқорига. Энди ўзинг худди чизганингга ўхшатиб давом эттир.


«Диктант» тўғри бажарилган ҳолда қуйидаги нақш ҳосил бўлиши керак:



Агар бола хатога йўл қўйса, тўзатинг: Бу нақш машқ учун эди. Бола уни чиза туриб йўриқномани тушуниши керак. Мустақил чизишни давом эттираётганида уни охиригача етказиш зарур.

Нақш охирига етгач, болага навбатдаги нақшни қаердан бошлаш кераклигини кўрсатинг ва айтиб туринг:


-Икки катак юқорига. Бир катак ўнгга. Бир катак юқорига. Икки катак чапга. Икки катак пастга. Бир катак ўнгга. Икки катак пастга. Икки катак ўнгга. Иккита юқорига. Битта ўнгга. Бир катак юқорига. Иккита ўнгга. Битта пастга. Битта катак ўнгга. Иккита пастга. Нақшни чизишни ўзинг давом эттир.



Энди чизиш жараёнида ҳеч қандай қўшимча кўрсатмалар берилмайди ва хатолар тўзатилмайди.


Нақш қаторини охиригача тўлиқ чизиб бўлингач, қуйидагиларни айтиб туришни бошланг:

-Икки катак тепага, икки катак ўнгга, бир катак пастга, бир катак чапга («чапга» сўзини овозда алоҳида таъкидлаш керак). Бир катак пастга. Икки катак чапга. Икки катак тепага. Икки катак ўнгга. Бир катак пастга. Бир катак чапга. Бир катак пастга. Чизишни ўзинг давом эттир:



Ва, нихоят охирги нақш:

-Икки катак тепага. Бир катак чапга. Икки катак тепага. Бир катак ўнгга. Бир катак пастга. Икки катак ўнгга. Бир катак пастга. Бир катак чапга. Икки катак пастга. Уч катак ўнгга. Икки катак тепага. Бир катак чапга. Икки катак тепага. Бир катак ўнгга. Бир катак пастга. Икки катак ўнгга. Бир катак пастга. Бир катак чапга. Икки катак пастга. Чизишни ўзинг давом эттир:



Ҳар бир нақшнинг (машқ учун берилганларидан ташқари) бажарилиш даражаси.

Нақшнинг айтиб турилгандагиси ҳамда бола томонидан мустақил давом эттирилиб бажарилгани алоҳида-алоҳида баҳоланади. Энг юқори даража, бу

–нақшнинг хатосиз чизилиши. Уни 4 балл билан баҳолаш керак. Агар 2-3 та хатоси бўлса 3 балл қўйилади. Кўп хатолари бўлса 2 балл. Агар тўғри чизилган қисмлардан, хато чизилган қисмлар кўп бўлса, бу ҳолда 1 балл берилади. Ва ниҳоят агар бирорта чизилган қисм бўлмаса 0 балл қўйилади.

Бола нақшни айтиб турилганда бажариб 0 дан (агар бутунлай нотўғри бўлса), 12 баллгача (агар уч асосий нақш хатосиз бажарилган бўлса) умумий балл йиғиши мумкин.

Ташхиснинг айнан ушбу усулини танлашимизнинг боиси – унда боланинг ақлий ривожланишининг барча шакллари қамраб олинади: Билиш жараёни (солиштириш кўникмаси, умумлаштириш, таҳлил қилиш, мустақил хулосалар чиқариш ва бошқ.), образли фикрлаш, боланинг мантикий имкониятлари унинг қанчалик ақлий ривожланганлигига холис баҳо беради. «График диктант» боланинг ўқув топшириқни қандай қабул қилишини, ўқув ҳаракатларини қандай бажара олишини аниқлаштиради.

Керн-Ирасек услуби бўйича ташхис ўтказиш.

Болаларни текширувдан ўтказиш 4 топшириқдан иборат бўлиб, ундан кўзланган мақсад улардаги мактаб учун зарур бўлан фаолиятлари ривождаги, жумладан, бош мия чаногини аналитик ва ситетик вазифалари, моторикаларидаги етишмовчиликни аниқлаш.

Керн-Ирасек методи бўйича боланинг мактабда таълим олишга тайёрлиги даражасини аниқлаш алоҳида ёки 10-15 боладан иборат гуруҳ билан бир вақтнинг ўзида олиб борилиши мумкин. Тўртинчи топшириқ эса ҳар бир бола билан алоҳида, махсус ажратилган хоналарда ажратилади.

Болага (ёки гуруҳдаги 10-15 болага) оддий қоғоздан тоза бир вароқ берилади. Қоғознинг юқоридан ўнг бурчагига тадқиқот билан қамраб олинган боланинг исми, фамилияси, ёши ҳамда текшириш ўтказилаётган сана ёзиб қўйилади. Иш қоғози тагига қаттиқ қоғоз қўйилади. Қалам боланинг олдига шундай қўйилиши керакки, унга ўнг ва чап қўл билан ҳам олиш ўнғай бўлсин.

Ташхис ўтказиш уч топшириқдан иборат:

1. Одам расми.
2. Уч сўздан иборат, чизилган қисқа ибора (*U osh yedi*).
3. Чизилган нуқталар гуруҳи.

Варақнинг юз қисми биринчи топшириқни бажариш учун ажратилади. **Биринчи топшириққа** қўйидаги йўриқнома берилади: «Бу ерга (ҳар бирига қаергалиги кўрсатилади) бирор-бир эркакнинг (тоғангнинг) расмини билганларингизча чизинглар». Шундан сўнг тушунча (ёрдам) бериш, расмнинг камчилиги ва хатоси юзасидан огоҳлантириш тақиқланади. Боладан тушадиган ҳар бир саволга қўйидагича жавоб бериш лозим. «Ўзинг билганингдай қилиб чиз». Агар бола ишни бошлай олмай турса қўйидагича унга далда бериш керак: «Кўряпсанми, сен қандай яхши бошладинг», «Чизишда давом эт».

«Хола»ни чизсам бўладими? Деган саволга барчамиз тоғани чизяпмиз дея тушунтириш керак. Агар бола аёл фигурасини чиза бошлаган бўлса, уни охиригача етказишни кутиб туриб, кейин ёнидан эркак кишининг расмини чизишни сўраш керак.

Бола расм чизишни якунлагач, иш қоғози тескари ағдарилади. Унинг орқа тарафи кўндаланг чизиқ билан тенг иккига бўлинади (буни олдиндан қилиш ҳам мумкин).

2-топшириқни бажариш учун 10-15 та карточка (7-8см га 13-14 см ўлчамда) керак бўлади. Унга «У ош еди» ибораси қўлёзмада ёзила (ҳарфлар ўлчами-1 см, бош ҳарф-1, 5 см).




Ибора ёзилган карточка боланинг олдига, иш қоғоздан сал юқорироққа қўйилади.

Иккинчи топшириқ қўйидагича изоҳланади: «Қаранглар, бу ерда нимадир

ёзилган. Сен ҳали ёзишни билмайсан. Шунинг учун буни чизишга ҳаракат қил. Яхшилаб кўриб олгин, бу қандай ёзилагн ва варақнинг юқори қисмига (қаерғалигини кўрсатинг) худди шундай қилиб ёзинг». Агар болалардан бирортаси қатор ўзунлиги ҳисобини ололмай учинчи сўзни сиғдира олмаса, унга учинчи сўзни пастдан ёки тепадан ёзиш мумкинлигини айтиш лозим.

Юқоридаги ўлчамли карточкаларни учинчи топшириқни бажариш учун ҳам тайёрлаб қўйиш керак. Улардан нуқталар гуруҳи тасвирланган бўлиб, улар оралиғи вертикал ва горизантал бўйича-1 см, нуқталар диаметри-2мм:



Бола 2-топшириқни бажариб бўлган биринчи карточка ундан олиниб, ўрнига иккинчи (нуқталари бор) карточка шундай қўйиладики, унда нуқталар орқали тасвирланган беш бурчакли ўткир бурчаги пастга қараган бўлиши керак.

Учинчи топшириққа қуйидагича йўриқнома берилади: «Бу ерда нуқталар чизилган. Худди шундай қилиб варақнинг пастки қисмига (қаерғалигини кўрсатинг) ўзинг чизишга ҳаракат қил».


Натижани баҳоланг

Ҳар бир топшириқ баллар билан баҳоланади:

1-энг яхши баҳо, 5-энг ёмон баҳо.

Беш баллик системада баҳолашнинг наъмунавий мезонлари расмларда кўрсатилган.

1-топшириқ (одам расми)



1 балл-чизилган фигурада бош, гавда ва қўл-оёқлар бўлиши лозим. Бошни гавдага боғловчи бўйин (у гавдадан катта бўлмаслиги керак). Бошда соч бўлиши (ёки дўппи, телпак), қўлоқ бўлиши, юзда кўз, бурун, оғиз бўлиши керак. Қўл 5 та бармоқ билан. Эркак киши кийими белгилари.

2 балл-1балга қўйилган талабларнинг барчаси.

Уч қисмнинг тушиб қолиши мумкин: бўйин, соч, қўлнинг битта бармоғи, бироқ юздаги ҳеч бир аъзонинг тушиб қолиши мумкин эмас.

3 балл-расмдаги фигурада бош, гавда, қўл-оёқлар бўлиши керак. Қўл ва оёқлар икки чизик билан чизилиши лозим. Бўйин, қўлоқ, соч, қўл панжалари бўлмаслиги мумкин.

4 балл-оддий бош расми қўл-оёқлар билан. Қўл ва оёқлар бир чизик билан тасвирланган.

5 балл-гавда ва қўл-оёқларнинг аниқ тасвири йўқ.

2-топширик (ёзилган матнни чизиш)

u osh yedi

1. U osh yedi

2. U osh yedi

3. u osh yedi

4. U osh ye di

5. u osh yedi

1 балл-бола томонидан чизилган иборани чизиш мумкин. Ҳарфлар намунадагига нисбатан 2 баравар катта. Ҳарфлар учун сўзни ҳосил этган.Қаторлар тўғри чизикдан 30⁰дан кўп оғмаган.


2 балл-гапни ўқиш мумкин. Ҳарфлар катталиги намунага яқин, улар тиклиги шарт эмас.

3 балл-ҳарфлар камида икки гуруҳга бўлинган бўлиши лозим. Ҳеч бўлмаганда 4 та ҳарфни ўқиш мумкин.

4 балл- намунага ҳеч бўлмаганда 2 та ҳарф ўхшаши керак. Барча ҳарфлар гуруҳи ҳали ёзув кўринишига эга эмас.

5 балл- чизиклар тасвирланмаган, тушунарсиз.

3-топширик (нуқталар гуруҳини чизиш)



1 балл-берилган намунага қараб аниқ бажарилган. Нуқталар чизилган, айланар эмас. Горизонтал ва вертикал бўйига симметрия сақланган. Фигуралар қанчалик кичик бўлса ҳам майли, бироқ катта бўлса ярим баробардан ошмаган бўлиши керак.

2 балл –симметрияда унчалик аҳамиятли бўлмаган камчилик бўлиши мумкин: битта нуқта тиккасига ёки энига қолганларидан чиқиб қолган ёки нуқта ўрнига айлана чизилган бўлиши ҳам мумкин.

3 балл-нуқталар гуруҳи намунага кўпол равишда ўхшаш. Барча фигураларда симметрия бўзилган бўлиши мумкин. Бешбурчакнинг ўхшаш, учи пастга ёки тепага қараган шакли сақланган бўлса. Нуқталар сони кўп ёки кам бўлиши

мумкин (7 тадан кам эмас, 20 тадан кўп эмас).

4 балл- нуқталар тўп бўлиб жойлашган бўлиб, улар ҳар қандай геометрик фигурани эслатиши мумкин. Нуқталар катталиги ва сони аҳамиятли эмас.

5 балл –ноаниқ чизиқлар.

Бажарилган алоҳида топшириқлар баллари йиғиндиси текширишнинг умумий натижасини белгилайди.

4 топшириқ (йиғма фикрни текшириш).

Мақсад: боланинг фикрлаш амалиёти, мантиғи, луғат бойлиги ривожланганлиги даражаси ва бошқаларни аниқлаш.

1. Қайси ҳайвон қатта: отми ёки ит.

а) от- 0 балл

б) ит-(-5) балл

2. Эрталаб биз нонушта қиламиз, кун ярмида (ёки тунда...)

а) тушлик қиламиз... биз ош, гўшт ёки нимадир еймиз - .0

б) пешинлик, кечки овқат еймиз, ухлаймиз ва бошқалар – (-3).

3. Кундўзи ёруғ , кечаси...

а) қоронғу – 0

б) нотўғри жавоб – (-4).

4. Осмон кўм-кўк , ўт...

а) яшил – 0.

б) нотўғри жавоб – (-1).

5. Гилос, нок, олхўри, олма- булар нима?

а) мевалар – 1.

б) нотўғри жавоб – (-1).

6. Нега поезд ўтмасдан туриб, унинг йўли ёнига шлагбаум тўсилади?

а) поезднинг тагига ҳеч ким тушиб кетмаслиги, фалокат юз бермаслиги учун- 0.

б) нотўғри жавоб-(-1)

7. Тошкент, Самарқанд, Чирчиқ (таниш шаҳарлар айтилади) нима улар?

а) шаҳарлар-1.

б) бекатлар-0.

в) нотўғри жавоб-(-1).

8. Соат неча (соатдан тўғри келган соатининг 18, 15, 19, 55, 11, 5 минутларини кўрсатинг)? Бола соатини ўзи белгиласин.

а) агар барча жавоблар тўғри бўлса-4.

б) агар билмаса-0.

в) агар бир мартагинаси тўғри бўлса-3.

9. Кичик сигир-бу бўзоқча, кичик ит- бу..., кичик қўй-бу....

а) кучуквачча, қўзичоқ-4.

б) иккаласидан биттаси-0.

в) нотўғри жавоб-(-1).

10. Ит кўпроқ мушукка ўхшайдими ёки товукқа?

а) мушукка (нимаси билан улар бир хил), чунки унда ҳам тўрт оёқ, жун, тирноқ бор (ҳеч бўлмаса битта ўхшаш жойини айтса-0).

б) ўхшаш белгиларисиз айтса-(-1).

в) агар товукқа деса-(-3).

11. Нега барча автомобилларда тормоз бор?

а) тоғдан тушаётганда, бурилишда уни секинлатиш учун (иккита сабаб)-1.

б) битта сабаб-0.

в) нотўғри жавоб-(-1).

12. Болға билан болта нимаси билан бир-бирига ўхшайди?

а) агар иккита умумий белгиси (тахта, темир, мих қоқиш мумкин, асбоблар, орқа томони ясси) айтилса-3.

б) агар битта белгиси айтилса-2.

в) нотўғри жавоб-0.

13. Олмахон билан мушук нимаси билан бир-бирига ўхшайди?

а) агар иккаласининг ҳам икки умумий белгиси (оёғи, жуни, дарахтга чиқиб

юриши каби) айтилса-3.

б) агар битта ўхшаш жиҳати айтилса-2.

в) нотўғри жавоб-0.

14. Мих нимаси билан винтдан фарқ қилади? Агар столда, сенинг ёнингда иккаласи ҳам ётган бўлса сен уларни қандай биласан?

а) резъбасидан (боланинг тушунтириши)-3.

б) винт буралади, мих қоқилади, винт гайка, михда эса қалпоқча бор-2.

в) нотўғри жавоб-0.

15. Футбол, сувга сакраш, теннис, сўзиш, гимнастика-бу нималар?

а) спорт жисмоний маданият-3.

б) ўйинлар, машқлар, мусобақалар -2.

в) нотўғри жавоб-0.

16. Сен қандай транспорт воситаларини биласан? Агар «у нима» деб сўрашса «Бу миниб ҳаракатлантириладиган нарсалар» деб жавоб қайтариш керак.

а) агар ерда юрадиган 3 та транспортни ва самолёт, кемани айтса-4.

б) агар фақат ерда юрадиган учта транспорт воситасини айтса ёки тушунтиришдан сўнг барчасини санаб берса-2.

в) нотўғри жавоб-0.

17. Кекса киши нимаси билан ёш кишидан ажралиб туради? Улар ўртасида қандай фарқ бор?

а) учта белгиси (ажинлар, ёмон кўради ёки эшитади, оқ сочи ва соқоли билан)-4.

б) бир-икки белги учун -2.

в) нотўғри жавоб-0.

18. Одамлар нима учун спорт билан шуғулланадилар?

а) иккита сабабга-4.

б) биттага-2.

в) нотўғри жавоб-0.

19. Кимдир ишдан бош тортса нега бу ахлоқсизлик, нотўғри, ёмон дейилади?

а) қолганлар у учун ишлаши керак (мазмун: кимдир жабр чекади) ёки дангасалик қияпти ҳеч нарса сотиб ололмайди дейилса -2.

б) нотўғри жавоб- (-2).

20. Нима учун хатнинг устига марка ёпиштирилади?

а) хатни почта орқали жўнатиш учун-5.

б) агар жарима тўланиш керак бўлса-2.

в) нотўғри жавоб-(-2).

Натижаларни ишлаш қуйидаги схемалар бўйича олиб борилади: балларнинг суммаси алоҳида саволлар билан аниқланади.

Йиғма фикр ривожланганлигининг биринчи даражасини +24 ва ундан баланд.

Иккинчи даража +14 дан +23 гача- ўрта юқори.

Учинчи даража 0 дан +13 гача – ўрта (меъёр).

Тўртинчи даража (-1) дан (-10) гача – паст.

Бешинчи даража (-11) ва ундан паст –жуда ёмон.

Адабиётлар рўйхати

1. Абрамова Г.С. Практическая психология. М. 2005;
2. Венгер Л.А, Мухина В.С. Психология. М. 1988;
3. Гурова Е.В. и др. Диагностика психического развития детей. М. 1992;
4. Жалилова С.Х. Шахс ва шахслараро муносабатларни ўрганишнинг проектив методикалари. Т. 2006;
5. Норбошева М.О. Болалар психологияси. Т. 2002;
6. Общая психодиагностика. под. ред. А.А.Бодалева, В.В.Столина. М. 1987;
7. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога. в 2-т, М-2003;
8. Тошимов Р.Ю, Ғозиев Э.Ғ Психодиганостика ва амалий психология. Т. 2004;
9. Интернет манбалари: www.ziyonet.uz
www.psixol.uz
www.praktikum_psixol.ru

Ушбу кўргазмали услубий қўлланма бакалавр йўналишлари талабалари учун умумий психология фанидан идрок феноменларини мустақил ўрганиш учун мўлжалланган бўлиб, амалий машгулотларда ҳамда мустақил таълим топшириқларини бажаришда фойдаланиш кўзда тутилган. Услубий қўлланмада идрок ҳақида тушунча, идрок турлари ва унинг индивидуал хусусиятлари шунингдек идрок жараёнида унинг феноменлари идрокнинг асосий хусусиятлари ҳамда мавзуга оид изоҳли луғат келтирилган. Шунингдек идрок хусусиятлари юзасидан 40 га яқин суратлар талабаларнинг мустақил шуғулланишлари учун тавсия этилган. Мазкур услубий қўлланма нафакат талабалар учун балки амалиётчи психологлар, педагоглар ҳамда психологияга қизиқувчилар учун фойдаланиш имкониятини беради.

Услубий қўлланма ТерДУ мактабгача тарбия ва бошланғич таълим кафедрасининг 2013 йил 26 январдаги 11-йиғилишида муҳокама этилган ва нашр учун тавсия берилган.

Муаллиф тузувчилар:

***Психология фанлари номзоди,
Доцент М.О.Норбошева,
ўқитувчи А.Тўрахонов,
ўқитувчи М.Норбошева***

**Такризчилар: психол. фанлари номзоди, доц.в.б. Т.С.Жўраев
 психол. фанлари номзоди, доц. А.Расулов**

